



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2025 yil «21» апрель

№ ПФ–70

### 2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ 2030 йилгача нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш ва давлат иштирокидаги корхоналарни 6 бараварга қисқартириш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш, давлат иштирокидаги йирик корхоналар ва тижорат банкларини трансформация қилиш, улар таркибидаги рақобат муҳити шаклланган соҳалардаги корхоналар сонини камайтириш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш мақсадида қарор қиласман:

#### I. Мақсадлар

1. Қўйидагилар 2025 йилда хусусийлаштиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:
  - (а) 30 триллион сўмлик давлат активлари ва ер участкаларини сотиш ва камида 10 триллион сўм тушумни таъминлаш;
  - (б) давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли 115 та жамият устав капиталидаги улушларни, 659 та кўчмас мулк обьектини ва 6,1 минг гектар ер участкаларини савдога чиқариш;
  - (в) дастлабки босқичда камида 30 та фойдали қазилма кон ва участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини савдога чиқариш.

#### II. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш

2. Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор улушини ошириш мақсадида 2030 йил 1 январга қадар давлат иштирокидаги корхоналарни (мудофаа ва хавфсизлик билан боғлиқ корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) ташкил этишга мораторий жорий қилинсин.

### 3. Белгилансинки:

- (а) республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан кўчмас мулк сотиб олиш, давлат функциясига ва давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мос бўлмаган корхоналарни ташкил этиш **ташаббуси билан чиқишига йўл қўйилмайди**;
- (б) давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, муассис) функциясини амалга оширувчи республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ушбу корхоналар кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича сайланган аъзолари Фармоннинг мазкур банди талаблари ижросини таъминлашга масъул ва жавобгар ҳисобланади.

### 4. Вазирлар Маҳкамаси 2025 йил 1 майга қадар:

- (а) вазирлик ва идоралар раҳбарларининг **хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик масалалари билан шахсан шуғулланадиган ўринbosарлари рўйхатини тасдиқласин**;
- (б) давлат иштирокидаги йирик корхоналарда **трансформация бўйича ўринbosар лавозимини молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринbosар лавозимига ўзгартириш чораларини кўрсин**.

### 5. Қўйидагилар:

- (а) Оммавий савдоларга чиқариладиган **акция пакетлари (улушлар) рўйхати 1-иловага** мувофиқ;
- (б) Оммавий савдоларга чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг **кўчмас мулк объектлари рўйхати 2-иловага** мувофиқ;
- (в) Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш учун 2025 йилда устувор равишда **мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш режаси 3-иловага** мувофиқ;
- (г) 2025 йилда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун фойдаланиш ҳуқуқи электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариладиган асосий турдаги фойдали қазилма кон ва участкалари рўйхати **4-иловага** мувофиқ;
- (д) Вазирлик ва идоралар, давлат иштирокидаги йирик корхоналарда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик масалаларига масъул ўринbosарларнинг асосий вазифалари **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

### III. Хусусийлаштириш ва давлат мулкини ижарага олишдаги имтиёзлар

6. Белгилаб қўйилсинки, давлат активларини хусусийлаштиришни жадаллаштириш мақсадида:

- (а) майдони **10 минг метр квадратгача** бўлган давлат мулки объектлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларига **5 йил муддатга тўғридан-тўғри** текин фойдаланишга берилади ҳамда шартнома шартлари бажарилган тақдирда ушбу тадбиркорлик субъектларига баҳоланган қийматда тўғридан-тўғри сотилади;
- (б) бошланғич нархини босқичма-босқич пасайтириш механизми қўллангандан кейин ҳам **бир йилдан ортиқ муддатда** сотилмаган ва харидорлар учун жозибадор бўлмаган кўчмас мулк объектлари бошқа юридик шахсларнинг устав капиталига улуш сифатида киритилади;
- (в) тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар активлари уч ой давомида сотилмаган тақдирда, уларнинг бошланғич баҳоси **50 фоизгача** босқичма-босқич **10 фоиздан** пасайтирилган ҳолда сотиб олиш тўловларини **уч йилгача бўлиб-бўлиб** тўлаш шарти билан савдоларга чиқарилади;
- (г) бозорлар ва савдо мажмуалари устав капиталида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **мажбурий иштирок этиши** тўғрисидаги **талаб бекор қилинади**.

7. Белгилансинки, ер участкалари сотилишини жадаллаштириш мақсадида:

- (а) очиқ электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижара ҳуқуқи асосида сотиб олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари, агар улар ер участкаси реализация қилинганидан кейин тасдиқланган бош режа, аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ёки ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва режалаштириш бўйича бошқа ҳужжатларга (кейинги ўринларда – шаҳарсозлик ҳужжатлари) мувофиқ бўлса ва ер ижара шартномасида бошқа шартлар назарда тутилмаган бўлса, ер участкаси учун тўловлар тўлиқ тўланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва (ёки) юридик шахслари томонидан хусусийлаштирилишига йўл қўйилади;

- (б) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкалари, устувор равишда, фаолиятини кенгайтириш истагида ва тайёр лойиҳаси бўлган тадбиркорлик субъектлари таклиф билдирган жойлардан танланади;
- (в) электрон онлайн аукцион савдоларида турган майдони кичик бўлган ёнма-ён турган ер участкалари шаҳарсозлик нормаларидан келиб чиқсан ҳолда бирлаштирилиб, қўшимча келишувларсиз қайта аукцион савдоларига чиқарилади.

8. Белгилаб қўйилсинки, давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш мақсадида:

- (а) ижара шартномаси тузилган кундан бошлаб ижарага олуви томонидан йиллик **ижара тўловлари бир ой давомида тўланган тақдирда**, унга йиллик ижара суммасидан мазкур шартнома тузилган санадаги **Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида чегирма берилади**, бундан чегирма қўлламаслик шарти билан ижарага берилган ҳамда бир йилдан кам муддатга тузилган ва бошқа имтиёзлар қўлланган ижара шартномалари мустасно;
- (б) олти ой давомида электрон онлайн аукцион савдоларида ижарага берилмаган обьектларнинг бошланғич нархи **50 фоиз пасайтирилган қийматда белгиланади**. Бунда бошланғич нарх пасайтирилганда ҳам ижарага берилмаса, ушбу аукцион унда бир иштирокчи қатнашган тақдирда ҳам, истисно тариқасида, ўтказилган деб ҳисобланади.

9. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат активларини хусусийлаштириш ва давлат мулкини ижарага бериш йўналишларидаги имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чоралари **6-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

#### IV. Давлат мулкини бошқариш ва сотишнинг янги механизмлари

10. Белгилансинки:

- (а) Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар, туман ва шаҳар марказларидаги давлат ташкилотлари ва давлат иштирокидаги корхоналар **маъмурӣ биноларининг биринчи қавати бўшатилиб**, электрон онлайн аукцион орқали тадбиркорлик субъектларига **савдо ва сервис обьектларини ташкил этиш учун ижарага берилади** (бундан тўлиқ сотиладиган ва алоҳида аҳамиятга эга маъмурӣ бинолар мустасно);

- (б) **2025 йил 1 июлдан бошлаб** Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмаларига “Давлат мулки” ахборот тизими орқали давлат ва давлат иштирокидаги корхоналар кўчмас мулк объектларини сотиш учун тўғридан-тўғри электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича ариза бериш ҳуқуки берилади;
- (в) Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари (кейинги ўринларда – ҳоким ёрдамчилари) аризаси асосида сотилган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағларнинг **бошланғич нархидан ошган қисмининг 10 фоизи** тегишлича Савдо-саноат палатасига ёки ҳоким ёрдамчиларини рағбатлантириш учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва обьект жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинига teng улушларда ўтказиб берилади;
- (г) оммавий савдоларда икки ойдан ортиқ муддатда сотилмаган давлат кўчмас мулк объектларини (Тошкент ва Нўкус шаҳарлари, вилоятлар марказларидаги обьектлар бундан мустасно) сотишини жадаллаштириш мақсадида “E-auksion” электрон савдо платформасида аккредитациядан ўтган риэлторлик ташкилотлари Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Давлат активлари агентлиги) томонидан хизмат кўрсатиш шартномаси асосида жалб этилади;
- (д) давлат улушлари хусусийлаштиришнинг камида 2 та усулидан фойдаланганда ҳам олти ой муддат давомида сотилмаган тақдирда хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатли давлат органининг қарорига кўра акциядорлар (иштирокчилар) рўйхатидан чиқиши ёки тугатиш ташаббуси билан чиқишга рухсат этилади;

- (е) давлат мулкини хусусийлаштириш дастури қабул қилинган кундан эътиборан хусусийлаштириладиган давлат мулкини бошқа шахсга ўтказиш, ҳисобдан чиқариш, гаровга қўйиш ёки бошқача тарзда тасаррүф этиш, уларни хатлаш ва мажбурий реализация қилиш тақиқланади;
- (ж) Давлат активлари агентлигига давлат активларини сотиш бўйича олди-сотди шартномалари ва давлат кўчмас мулк обьектларини ижарага бериш шартномалари бўйича тадбиркорлик субъектлари тан олган қарздорликларни инкассо топшириқномалари асосида ундириш ҳуқуқи берилади;
- (з) тадбиркорлик субъектларини (жумладан, давлат иштирокидаги корхоналарни) тугатиш тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор қилинган санадан бошлаб уларнинг молия-хўжалик фаолияти тўхтатилади ҳамда ер солиғи, мол-мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек, барча турдаги солиқлар ва йиғимлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш, дивиденdlар ҳисоблаш тақиқланади;
- (и) хўжалик жамияти ёки нодавлат нотижорат ташкилотига давлат мулки сифатида бириктирилган республика мулки бўлган кўчмас мулк обьектлари (қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган обьектлар бундан мустасно) Давлат активлари агентлиги қарори асосида давлат ташкилотига унинг юқори турувчи органининг розилигига мувофиқ оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин берилади;
- (к) вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизим ташкилотларига тегишли республика мулки бўлган маъмурий бинолар (суд, қуролли кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг тизимидағи ташкилотлар бинолари бундан мустасно) Кадастр агентлиги билан биргалиқда **Давлат активлари агентлигига давлат мулки сифатида қайта расмийлаштирилади** ва кейинчалик улар ҳар бир ходим учун бино майдонлари бўйича тасдиқланган меъёрлар асосида **текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади**;

- (л) республика бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг маблағлари ёки давлатнинг бошқа маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган мулклар **республика мулки объектлари** жумласига, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, **маҳаллий бюджет маблағлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқа маблағлари** ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган мулклар **муниципал мулк объектлари** жумласига киритилади;
- (м) давлат мулки – ҳам республика мулки ҳам муниципал мулк объектларининг вужудга келиш манбалари ҳисобига яратилган тақдирда, мазкур мулкнинг балансда сақловчиси мансублигига кўра мулкнинг тоифаси аниқланади;
- (н) хусусийлаштириш дастурларига киритилган активлар (кўчмас мулк, улуш, акция пакетлари) икки ой муддатда ваколатли давлат органига топширилмаганда **Давлат активлари агентлигининг буюртмаси асосида** бир томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномаси (депо топшириқнома) асосида **Давлат активлари агентлигига расмийлаштирилади**;
- (о) **2025 йил 1 октябрдан бошлаб эгасиз кўчмас мулк объектларини давлат мулки обьекти сифатида давлат рўйхатига олиш бўйича мурожаатлар тегишли судга **Давлат активлари агентлиги томонидан киритилади**.**

## V. Хусусийлаштириш соҳасидаги кафолатлар

### 11. Белгилансинки:

- (а) хусусийлаштирилган ер участкалари бўйича солиқ тўлаш тизими такомиллаштирилади;
- (б) давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсизdir;
- (в) давлат мулкини хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ҳамда бекор қилинмайди.

**12.** Давлат мулкини бошқариш соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

## **VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

**13.** Белгилансинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

- (а) **бир ой муддатда** мазкур Фармонга мувофиқ савдога чиқарилиши белгиланган активларни Давлат активлари агентлигига ўтказиб бериш масаласини ўзлари акциядор (иштирокчи, муассис) бўлган давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органлари йиғилишларида кўриб чиқиб, ўтказиб берилишига;
- (б) давлат иштирокидаги корхоналар билан биргалиқда хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активларининг улар сотилгунга қадар бутлигини таъминлаш ва бегоналаштирмасликка (сотиш, сотиладиган улуш миқдорини камайтириш, гаровга қўйиш, бузиш ва бошқалар) **шахсан жавобгар ва масъул ҳисобланади**.

**14.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар ҳокимларини Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги ва Давлат активлари агентлиги билан биргалиқда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш учун мазкур Фармонга З-иловадаги режага мувофиқ ер участкаларининг устувор равишда мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн аукцион савдоларига 2025 йилда чиқарилишини таъминласин. Бунда шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилмаган ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида савдога чиқаришни давом эттирсин.

**15.** Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини ўзлари таъсисчи (муассис) бўлган:

- (а) давлат корхоналари ва муассасаларини тугатишда уларнинг мажбуриятларини тегишлилигича ўзларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланишини;
- (б) давлат иштирокидаги корхоналарда харажатлар, шу жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар **тасдиқланган бизнес-режа қўрсаткичларига қатъи риоя қилган ҳолда амалга оширилишига** уларнинг биринчи раҳбарлари шахсан **жавобгарлиги** белгиланишини таъминласин.

**16.** Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат активлари агентлиги:

- (а) мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин;
- (б) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргалиқда мазкур Фармон ҳақида аҳоли ва тадбиркорларни интернет ва ижтимоий тармоқлар ва мобил алоқа операторлари орқали тезкор равишда хабардор қилиш чораларини кўрсин.

**17.** Давлат активлари агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**18.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **8-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**19.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари **9-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**20.** Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга маъсул этиб Бosh вазир ўринbosари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиков белгилансин.

**21.** Фармон ижросини ҳар чоракда мұхокама қилиб бориш, ижро үчүн масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармонига  
1-илова

**Оммавий савдоларга чиқариладиган акция пакетлари (улушлар)  
РҮЙХАТИ**

T/р	T/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Худуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
<b>I. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг таркибидаги ташкилотларнинг акция пакетлари (улушлари)</b>						
<b>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ</b>						
1.	1	200241289	Андижон механика корхонаси	МЧЖ	Андижон вилояти	100
2.	2	311488597	Сиҳатгоҳ	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
3.	3	310948697	Rina Med	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
<b>“Ўзавтосаноат” АЖ</b>						
4.	1	307843038	Auto Spring Components	МЧЖ	Андижон вилояти	100
5.	2	201806746	Автосанкомплект	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
6.	3	304906807	Жиззах автомобиль заводи	МЧЖ	Тошкент шаҳри	50
<b>“Ўзбекнефтгаз” АЖ</b>						
7.	1	200699311	UNG Medline	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	100
8.	2	205678302	Gissarneftgaz	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	55
9.	3	205222807	“Кўқдумалоқ ГАЗ Ўзбекистон-Швейцария” ҚҚ	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	63
10.	4	201121254	Ўзлитинефтгаз	АЖ	Тошкент шаҳри	51
<b>“Олмалиқ КМК” АЖ</b>						
11.	1	310778624	OKMK-Chodak Tekstil	МЧЖ	Наманган вилояти	30,3
12.	2	301959086	AG-MILK SERVISE	МЧЖ	Тошкент вилояти	30
13.	3	310191763	Avantec GP	МЧЖ	Тошкент вилояти	20
14.	4	309450390	Deutsche Innovatsion Texnologiyalar-AGMK	МЧЖ	Тошкент шаҳри	16,3
<b>“Ўзбекгидроэнерго” АЖ</b>						
15.	1	304990602	Энергетиклар сиҳатгоҳи	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
16.	2	200166168	Сувиншооттаъмир	МЧЖ	Фарғона вилояти	100
17.	3	200523159	Гидромахсусқурилиш	АЖ	Тошкент шаҳри	95
<b>“Худудий электр тармоқлари” АЖ</b>						
18.	1	200242936	Чет эл капитали иштирокидаги “Ҳамкорбанк” <sup>(1)</sup>	АЖ	Андижон вилояти	0,004
19.	2	200714671	Ўзқишлоқэлектрқурилиш <sup>(1)</sup>	АЖ	Самарқанд вилояти	0,6

T/р	T/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Худуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
20.	3	200833707	Ўзсаноатқурилишбанк <sup>(2)</sup>	АЖ	Тошкент шаҳри	0,5
21.	4	310523142	“Ангрен Энерго” ҚҚ	МЧЖ	Тошкент вилояти	50
<b>“Ўзкимёсаноат” АЖ</b>						
22.	1	303295841	“Samarkand-NPK” ҚҚ	МЧЖ	Самарқанд вилояти	53
23.	2	311471294	UZ OLEFINS INDUSTRY	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49
24.	3	310588520	Uziplbiologicals	МЧЖ	Тошкент шаҳри	49
<b>“Ўзбекистон почтаси” АЖ</b>						
25.	1	307277496	Миллий почта тӯловлари	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
26.	2	309589613	American Bridge	МЧЖ	Тошкент шаҳри	20
<b>“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ</b>						
27.	1	302910424	Тошавтотаъмирхизмат	УК	Тошкент шаҳри	100
<b>“Кўприкқурилиш” АЖ</b>						
28.	1	307380132	Кўприкқурилиш тош майдалаш мажмуаси	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
29.	2	301434581	Asia Construction Bridge Builder	МЧЖ	Хоразм вилояти	100
<b>“Ўзпахтасаноат” АЖ</b>						
30.	1	302171395	Арчазор-Чимган <sup>(3)</sup>	МЧЖ	Тошкент вилояти	97,1
<b>“UNICON.UZ” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” МЧЖ</b>						
31.	1	311438509	Uninetworks	МЧЖ	Тошкент шаҳри	18
32.	2	311466688	Unistandard Audit	МЧЖ	Тошкент шаҳри	19
<b>“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ</b>						
33.	1	308933565	IT-билимларни ривожлантириш маркази	МЧЖ	Тошкент шаҳри	51
34.	2	306723242	IT Investments Center	МЧЖ	Тошкент шаҳри	99
<b>“Ўзмиллийбанк” АЖ</b>						
35.	1	307308456	Khorezm Invest Project	МЧЖ	Хоразм вилояти	33
36.	2	305107898	Ўзбегим отлари	МЧЖ	Тошкент шаҳри	41,9
<b>АТ “Халқ банки”</b>						
37.	1	310875440	Халқ Лизинг	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
<b>АТ “Алоқабанк”</b>						
38.	1	200833833	Ўзбекистон почтаси <sup>(3)</sup>	АЖ	Тошкент шаҳри	29,4
39.	2	201897491	Бозор, пул ва кредит <sup>(3)</sup>	МЧЖ	Тошкент шаҳри	7,7
<b>“Асакабанк” АЖ</b>						
40.	1	304794497	Navoiy Fayzcom Textile	МЧЖ	Навоий вилояти	9,6
41.	2	304858692	Наманган агро логистикс	МЧЖ	Наманган вилояти	99,9
<b>“Агробанк” АТБ</b>						
42.	1	301497361	Самарқанд Агромуз	МЧЖ	Самарқанд вилояти	97,1
43.	2	202332617	Марказий Осиё үруғлик компанияси	МЧЖ	Сирдарё вилояти	25

T/р	T/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Худуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
<b>“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ</b>						
44.	1	306859967	SQB Construction	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
45.	2	307040285	SQB Securities	МЧЖ	Тошкент шаҳри	99,7
46.	3	308791657	SQB Futzal Club	МЧЖ	Тошкент шаҳри	99,9
47.	4	311584178	Xiva Plaza	МЧЖ	Тошкент шаҳри	99,9
48.	5	311584193	Xiva Trade Center	МЧЖ	Тошкент шаҳри	99,9
<b>II. Давлат ташкилотлари иштирокидаги корхоналарнинг акция пакетлари (улушлари)</b>						
<b>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги</b>						
49.	1	306795953	International institute of finance and accounting	МЧЖ	Тошкент шаҳри	20
50.	2	306528659	Тошкент шаҳридаги Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш маркази	ДМ	Тошкент шаҳри	49
<b>Кишлоқ хўжалиги вазирлиги</b>						
51.	1	201268332	ҚАШТЕКС <sup>(3)</sup>	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	15
52.	2	300454487	Қизилровот селекционер	ДМ	Наманган вилояти	100
<b>Сув хўжалиги вазирлиги</b>						
53.	1	202047661	Сув хўжалиги профилакторияси	ДМ	Наманган вилояти	100
<b>Рақамли технологиялар вазирлиги</b>						
54.	1	311557882	TATU-INNO SPIN OFF	МЧЖ	Фарғона вилояти	9
55.	2	306901947	Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
<b>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги</b>						
56.	1	310014790	Таъминот ва логистика хизмати	ДУК	Тошкент шаҳри	100
<b>Соғлиқни сақлаш вазирлиги</b>						
57.	1	206947694	Андижон вилоят болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Андижон вилояти	100
58.	2	206847881	Бухоро вилоят ихтисослаштирилган болалар стоматология маркази <sup>(4)</sup>	ДМ	Бухоро вилояти	100
59.	3	201772434	Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Бухоро вилояти	100
60.	4	200342510	Жиззах вилоят стоматология табобатхонаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Жиззах вилояти	100

T/р	T/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Ҳудуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
61.	5	206967654	Жizzах вилоят ихтисослаштирилган болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Жizzах вилояти	100
62.	6	200672092	Қашқадарё вилоят болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Қашқадарё вилояти	100
63.	7	200056953	Наманган вилоят ихтисослашган болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Наманган вилояти	100
64.	8	201213764	Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Самарқанд вилояти	100
65.	9	201213812	Самарқанд шаҳар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДУК	Самарқанд вилояти	100
66.	10	202428314	Самарқанд вилоят ихтисослаштирилган болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Самарқанд вилояти	100
67.	11	203300402	Пахтаки туман стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Самарқанд вилояти	100
68.	12	200056724	Наманган вилоят стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Наманган вилояти	100
69.	13	207189348	Ангрен шаҳар болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Тошкент вилояти	100
70.	14	302973892	Янгийўл туман стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Тошкент вилояти	100
71.	15	206971509	Болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Тошкент вилояти	100
72.	16	205745923	Фарғона вилоят болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Фарғона вилояти	100
73.	17	200151210	Фарғона вилоят стоматология шифохонаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Фарғона вилояти	100
74.	18	207042602	Қўқон шаҳар болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Фарғона вилояти	100
75.	19	203288339	Марғилон шаҳар болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Фарғона вилояти	100
76.	20	201989076	Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Хоразм вилояти	100

Т/р	Т/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Худуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
77.	21	203393350	7-сон болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Тошкент шаҳри	100
78.	22	203363919	2-сон болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Тошкент шаҳри	100
79.	23	200625711	Ички ишлар вазирлиги стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Тошкент шаҳри	100
80.	24	203362365	1-сон болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Тошкент шаҳри	100
81.	25	203297533	6-сон болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Тошкент шаҳри	100
82.	26	203322920	4-сон болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Тошкент шаҳри	100
83.	27	203194131	5-сон болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Тошкент шаҳри	100
84.	28	204946278	Учтепа болалар стоматология поликлиникаси <sup>(4)</sup>	ДМ	Тошкент шаҳри	100
85.	29	306583251	Халқ Табобати Плюс	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100

**Маданият вазирлиги**

86.	1	206942242	Шарқ юлдузи кино	ДМ	Самарқанд вилояти	100
-----	---	-----------	------------------	----	-------------------	-----

**Фанлар академияси**

87.	1	310627795	Sun Road Cluster	МЧЖ	Тошкент вилояти	6,1
88.	2	200898325	Лабзак меҳмонхонаси <sup>(5)</sup>	ШК	Тошкент шаҳри	100

**Давлат хавфсизлик хизмати**

89.	1	200547437	Тошкент спорт буюмлари фабрикаси	УК	Тошкент шаҳри	100
-----	---	-----------	----------------------------------	----	---------------	-----

**Давлат активларини бошқариш агентлиги**

90.	1	206685056	Наманган савдо улгуржи база	МЧЖ	Наманган вилояти	1,3
91.	2	200048234	Наманғандонмаҳсулотлари <sup>(1)</sup>	АЖ	Наманган вилояти	0,5
92.	3	200153366	Фарғонадонмаҳсулотлари <sup>(1)</sup>	АЖ	Фарғона вилояти	0,05
93.	4	201016700	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия ва моддий техника таъминоти бош бошқармаси майший ишлаб чиқариш комбинати	МЧЖ	Тошкент шаҳри	100
94.	5	201051699	“Шарқ” нашриёт-матбаа	АЖ	Тошкент шаҳри	94,5
95.	6	1033720080 34	Туркман-Узагротехмаш	ҚҚ	Туркманистон Республикаси	62,8

**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги**

96.	1	311276039	АгроСайхун Экспорт	МЧЖ	Сирдарё вилояти	49,0
97.	2	305292243	АгроЭкоким	МЧЖ	Тошкент вилояти	20

T/р	T/р	СТИР	Номи	ТҲШ	Худуд	Сотиладиган улуш (фоиз)
<b>Оила ва хотин-қизлар қўмитаси</b>						
98.	1	308605403	Аъло каштадўз кластери <sup>(3)</sup>	МЧЖ	Фарғона вилояти	25
<b>Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси</b>						
99.	1	310303123	Vet-Nur	МЧЖ	Самарқанд вилояти	100
<b>Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси</b>						
100.			Автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш, таъмирлаш, кўприклардан ва йўллардан фойдаланиш корхоналари <sup>(6)</sup>	ДМ, МЧЖ	Худудлар бўйича	
<b>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари</b>						
101.	1	310664410	Nókisqalattransportxizmet <sup>(7)</sup>	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	100
102.	2	200396088	Хўжайли дехқон бозори <sup>(8)</sup>	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	51
103.	3	302425694	Хўжайли универсал савдо комплекси <sup>(8)</sup>	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	99,5
104.	4	201109648	Ақманғит дехқон бозори <sup>(8)</sup>	МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси	51
105.	5	307911790	Бухоро марказий таъминот томорқа хизмат	МЧЖ	Бухоро вилояти	90
106.	6	200339520	Пахтакор дехқон бозори <sup>(9)</sup>	МЧЖ	Жиззах вилояти	81,0
107.	7	301839726	Янги Чоршанбе қўрғони дехқон бозори	МЧЖ	Қашқадарё вилояти	51
108.	8	204718759	Янгиработ савдо комплекси	МЧЖ	Навоий вилояти	2,1
109.	9	304027129	Умар Рамзи савдо сервис	МЧЖ	Самарқанд вилояти	51
110.	10	200494100	Саховат	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	0,3
111.	11	306371928	Яшил дунё марказий дехқон озиқ-овқат бозори	МЧЖ	Сурхондарё вилояти	100
112.	12	310739054	Паркент тумани ҳокимлиги ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги дирекция	МЧЖ	Тошкент вилояти	100
113.	13	309681603	Янгийўл маҳсус автотранспорт хизмати	ДУК	Тошкент вилояти	100
114.	14	311005549	Ҳазорасп мажмуаси комплекси	МЧЖ	Хоразм вилояти	51
115.	15	302722603	Хоразм узуми тайёрлов савдо	МЧЖ	Хоразм вилояти	2,26

**Изоҳлар:**

(1) Давлат акция пакети баҳолашдан ўтказилмасдан фонд биржаси котировка нархидан келиб чиқиб, савдоларга чиқарилади. Бунда котировка нархи мавжуд бўлмаган тақдирда акциялар пакети жамиятнинг соғ активига пропорционал қийматда савдоларга чиқарилади.

(2) Устав капиталида давлат улуши устун мавқега эга бўлган корхоналарга тегишили акциялар пакети уларнинг устав капиталидаги давлат улушини баланс қийматига камайтириш ҳисобига давлат номидан акциядор функциясини бажарувчи давлат органларига ўтказилади.

(3) Ушбу жамиятлар устав капиталидаги акциялар пакетлари (улушлар) яхлит пакет сифатида савдога чиқарилади.

(4) Корхоналарни хусусийлаштириш шартлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифига асосан Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

(5) Корхонага тегишили ётоқхоналар биринчи навбатда Фанлар академияси таклифи асосида соҳада фаолият кўрсатган, шу жумладан нафақадаги ходимларга сотилади, корхона белгиланган тартибда тугатилади.

(6) Автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш, таъмирлаш, кўприклардан ва ўйлардан фойдаланиш корхоналари Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда босқичма-босқич оммавий савдоларга чиқарилади. Бунда мазкур корхоналардаги давлат улушини сотиш шартлари ва тартиби Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

(7) Камида З ийл давомида амалдаги фаолият йўналишини сақлаб қолиши шарти билан оммавий савдоларга чиқарилади.

(8) Мазкур корхоналардаги давлат улушини сотиш шартлари ва тартиби Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

(9) Мазкур бозордаги давлат улуши иштирокчилар рўйхати Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан тақдим этиладиган танлов асосидаги аукцион савдолари орқали сотилади.

1. Сотилиши белгиланган акциялар пакетлари (улушлар) миқдори, корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда, активларнинг сотилиши ўзгаришларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

2. Ушбу иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталида давлат улуши устун мавқега эга бўлган хўжалик жамиятларининг улушлари мавжуд бўлганда, ушбу улушлар яхлит пакет сифатида савдога чиқарилади.

3. Хўжалик жамиятларининг унитар корхоналари ва бошқа ташкилотлари масъулияти чекланган жамият этиб ўзгартирилаётганда уларнинг мулклари инвентаризациядан ўтказилади ва жамият устав капиталининг миқдори мулкларини баҳолашдан ўтказмаган ҳолда солиқ органларига тақдим этилган охирги бухгалтерия баланси маълумотларига асосан унинг амалдаги устав капитали миқдорида белгиланади.

4. Мазкур иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати ва улушлар миқдорига Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси қарори билан ўзгартириш киритилади ёки улар рўйхатдан чиқарилади.

5. Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари томонидан активлар давлат активлари агентлигига уларнинг бошқарув органлари қарори асосида ўтказилади. Бунда активлар корхонанинг (банкнинг) эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захиралари ҳисобидан ёки активларни сотишдан тушган маблағларни (савдога чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харожатларни чегирган ҳолда) тўлаб бериш ҳисобига берилади. Агар активларнинг сотилган қиймати қолдиқ (баланс) қийматдан юқори бўлса, корхоналарга (банкларга) қолдиқ (баланс) қиймати йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармонига  
2-илова

**Оммавий савдоларга чиқариладиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари  
РЎЙХАТИ**

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м <sup>2</sup> )	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
<b>Андижон вилояти</b>						
1.	Маъмурӣ бино	Асака тумани “Ахтачи” МФЙ	1,1	1 596,5	Асака тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
2.	Асака тумани ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлимининг собиқ биноси	Асака тумани “Арғин” МФЙ	0,07	355	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Андижон вилояти бошқармаси	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
3.	Асака тумани камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимининг собиқ биноси	Асака тумани “Қадрият” МФЙ Ҳумо кўчаси 8-үй 38-хонадон	0,065	58	Асака тумани камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
4.	52-сонли йўл бўлими биноси	Асака тумани “Қовоқтўп” МФЙ	0,16	280	Асака тумани йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси	Автомобиль йўллари қўмитаси
5.	Республика ўқувчи ёшлар маркази бино ва иншоотлари	Андижон тумани “Ўрикзор” МФЙ	25	6 025	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
6.	Собиқ ҚВП биноси	Асака тумани “Марқаюз” МФЙ	0,1	700,0	Асака тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
7.	Қозонхона биноси	Асака тумани “Қадрият” МФЙ	0,02	150	Асака тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
8.	Маъмурӣ бино ва бошқа иншоотлар	Андижон тумани “Найман” МФЙ	0,9	4 440	Андижон тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
9.	Мактабгача таълим муассасаси	Андижон тумани “Маориф” МФЙ	0,1	595	Андижон тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
10.	Маъмурӣ бино ва бошқа иншоотлар	Андижон тумани “Пиллакаш” МФЙ	1,0	2 708	Андижон тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м <sup>2</sup> )	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
11.	Автотранспорт корхонаси бино ва иншоотлари	Андижон тумани “Нўхатак” МФЙ Нўхатак кўчаси 914-үй	0,1	751,3	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
12.	Омборхона, ёрдамчи ва бостирма биноси ҳамда маъмурӣ бино	Андижон шаҳри Найман кўчаси 30-үй	0,47	4 734	Андижон шаҳри ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
13.	12-сонли почта алоқа бўлими биноси	Андижон шаҳри “Бўстон” МФЙ	0,01	70,56	“Ўзбекистон почтаси” АЖ	“Ўзбекистон почтаси” АЖ
14.	Чинобод ветеринария бўлими биноси <sup>(1)</sup>	Балиқчи тумани Ойдин кўчаси 99-үй	0,16	728,87	Балиқчи тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси
15.	Собиқ “Ўрмонбек” ички касалликлар бўлими биноси	Балиқчи тумани “Ўрмонбек” МФЙ	0,032	310,11	Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
16.	18-сон фермерларга ёқилғи тарқатиш шохобчаси	Балиқчи тумани “Муқанна” МФЙ 66/а-үй	0,12	262,29	“Андижон нефть базаси” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
17.	9-сон фермерларга ёқилғи тарқатиш шохобчаси	Бўстон тумани “Сариқ жўѓа” МФЙ Боғча кўчаси 14-үй	0,15	436,2	“Андижон нефть базаси” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
18.	16-сонли умумтаълим мактабининг фойдаланилмай турган ошхона биноси	Булоқбоши тумани “Раиш” МФЙ	0,07	125	Булоқбоши тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
19.	Собиқ илмий-текшириш марказининг бўш турган биноси	Булоқбоши тумани “Қақирип” МФЙ	0,16	1 624	Булоқбоши тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
20.	Собиқ 10-мактаб филиали бино ва иншоотлари	Булоқбоши тумани “Бозорбоши” МФЙ	0,09	914,4	Булоқбоши туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
21.	29-мактаб бино ва иншоотлари	Жалақудук тумани “Ибрат” МФЙ	0,27	830,01	29-сон умумтаълим мактаби	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
22.	Ўзбекистон беш йиллиги 12-сон фермерларга ёқилғи тарқатиш шохобчаси	Жалақудук тумани “Қутлуғ” МФЙ Қутлуғ кўчаси 12-үй	0,1	295,1	“Андижон нефт базаси” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м <sup>2</sup> )	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
23.	Элита уруғчилик лабораторияси биноси	Избоскан тумани "Мангуберди" МФЙ	0,05	546,07	Уруғчиликни ривожлантириш маркази давлат корхонаси	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
24.	Собиқ "Бобур" қишлоқ врачлик пункти биноси	Марҳамат тумани "Ўқчи" МФЙ Бозорбоши кўчаси 54-үй	0,05	304	Марҳамат тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
25.	38-мактабнинг собиқ филиали биноси	Марҳамат тумани "Хўжаариқ" МФЙ Хўжабосман кўчаси	0,015	125	Марҳамат тумани мактабгача ва мактаб таълим бўлими	Мактабгача ва мактаб таълимни вазирлиги
26.	Марҳамат тумани тиббиёт бирлашмаси балансидаги бино <sup>(1)</sup>	Марҳамат тумани "Ўзбекистон" МФЙ Туркистон кўчаси	0,32	1 020,46	Марҳамат тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
27.	Марҳамат тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли собиқ ошхона биноси	Марҳамат тумани "Мингтепа" МФЙ	0,02	117,9	Марҳамат тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
28.	Олтинкўл тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими биноси <sup>(1)</sup>	Олтинкўл тумани "Марказ" МФЙ	0,035	350	Олтинкўл тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
29.	Маъмурий бино	Пахтаобод тумани "Нодирабегим" МФЙ	0,275	687,02	Ўсиммилклар карантини ва ҳимояси агентлиги Андижон вилояти бошқармаси	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
30.	Почта биноси	Пахтаобод тумани "Нурдиёр" МФЙ	0,008	73,78	"Ўзбекистон почтаси" АЖ Пахтаобод тумани филиали	"Ўзбекистон почтаси" АЖ
31.	Гулистон 4-сон фермерларга ёқилғи тарқатиш шохобчаси	Пахтаобод тумани "Олмазор" МФЙ 15-үй	0,17	97,02	"Андижон нефт базаси" МЧЖ	"Ўзбекнефтгаз" АЖ
32.	Тиббиёт бирлашмаси собиқ биноси	Шаҳриҳон тумани, "Оқолтин" МФЙ	0,1	300	Шаҳриҳон тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
33.	Маъмурий бино	Шаҳриҳон тумани "Янгиҳаёт" МФЙ Х.Бобоҷонов кўчаси 6-үй	0,02	220,72	Шаҳриҳон тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
34.	Собиқ "Қушқўноқ" ҚВПнинг бино ва иншооти (бир қисми)	Шаҳриҳон тумани "Қушқўноқ" МФЙ Қушқўноқ кўчаси 35-үй	0,1	500	Шаҳриҳон тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

T/р	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м <sup>2</sup> )	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
35.	Собиқ клуб биноси	Шаҳрихон тумани “Бобочек” МФЙ	0,024	240	Шаҳрихон тумани ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
36.	Собиқ “Ўзбекистон” ҚВП биноси	Шаҳрихон тумани “Соҳилобод” МФЙ	0,18	390	Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
37.	20-сон фермерларга ёқилғи тарқатиш шоҳобчаси	Шаҳрихон тумани “Баркамол авлод” МФЙ Камолтепа кўчаси 291-үй	0,12	240,4	“Андижон нефт базаси” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
38.	Чойхона ва пойабзаллари маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи бино иншоотлари	Шаҳрихон тумани “Бувайдо” МФЙ Чинобод кўчаси 5а-үй	0,08	383	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
39.	Собиқ почта биноси	Қўрғонтепа тумани “Устоз” МФЙ Шифокорлар кўчаси	0,01	60	“Ўзбекистон почтаси” АЖ	“Ўзбекистон почтаси” АЖ
40.	Собиқ почта биноси	Қўрғонтепа тумани “Уч тегирмон” МФЙ Бобуршоҳ кўчаси	0,01	50	“Ўзбекистон почтаси” АЖ	“Ўзбекистон почтаси” АЖ
41.	Дардоқ шифохонаси ёрдамчи бино ва иншоотлари	Қўрғонтепа тумани “Дардоқ” МФЙ	0,50	1 000	Қўрғонтепа тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
42.	Иссиқхона бино ва иншоотлари	Хонобод шаҳри “Анҳор” МФЙ Хонобод кўчаси	0,06	577,5	Хонобод шаҳри ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
43.	Собиқ табиий минерал ўғит ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари	Хонобод шаҳри “Хидирша” МФЙ Обиҳаёт кўчаси	5,5	2 854,2	Хонобод шаҳри ҳокимлиги	Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Бухоро вилояти</b>						
44.	Собиқ ҳарбий қисм биноси	Бухоро шаҳри “Ибн Сино” МФЙ Қ.Муртазоев кўчаси	0,4	830,25	Бухоро шаҳри ҳокимлиги	Бухоро вилояти ҳокимлиги
45.	Собиқ автожамланма маъмурий ва айвон биноси	Бухоро шаҳри “Ибн Сино” МФЙ Ибн Сино кўчаси (Собиқ Жарқоқ кўчаси 2-үй)	0,2	598	Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м <sup>2</sup> )	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
46.	Бўш турган ишлаб чиқариш биноси	Бухоро шаҳри “Садриддин Айний” МФЙ Саноатчилар кўчаси	0,4	100	“Бухоротехнопарк” ДУК	Бухоро вилояти ҳокимлиги
47.	Педагогика коллежининг собиқ бокс қисми	Бухоро шаҳри “Ибн Сино” МФЙ Боғишамол кўчаси 5-үй	0,1	1 152	Бухоро шаҳар педагогика коллежи	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
48.	Туаржой биноси <sup>(2)</sup>	Бухоро шаҳри Алномиш кўчаси 27/1-үй 25-хонадон	0,01	91,2	“Бухоро нефть базаси” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
49.	“Нефтчи” болалар дам олиш оромгоҳи	Бухоро шаҳри Гулчорбоеф кўчаси 21-үй	5,85	3 878	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
50.	Собиқ қозонхона биноси	Ғиждувон тумани Ғиждувон шаҳри XXI аср шоҳ кўчаси	0,1	107,9	Ғиждувон тумани солиқ инспекцияси	Солиқ қўмитаси
51.	Маъмурий бино	Ғиждувон тумани “Памўза” МФЙ Ю.Ҳамадоний кўчаси 44-үй	0,136	472	Миллий гвардиянинг Бухоро вилояти қўриқлаш бошқармаси	Миллий гвардия
52.	“Бухоро НҚИЗ” МЧЖнинг Зафаробод НҚЭ биноси	Ғиждувон тумани	9,65	1 825,2	“Бухоро Нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
53.	Бино ва иншоотлар	Ғиждувон тумани “Ф.Юнусов” МФЙ Пахтакор кўчаси	0,19	712,9	“Ўзмиллийбанк” АЖ	“Ўзмиллийбанк” АЖ
54.	Бино ва иншоотлар (ПРС-10504)	Жондор тумани “Луқмон” МФЙ Лоло қишлоғи 55-үй	0,7	472	“Ўзбектелеком” АК	“Ўзбектелеком” АК
55.	Бино ва иншоотлар (ПРС-10634)	Жондор тумани “Эроншоҳ” МФЙ Яккатут кўчаси 49-үй	0,9	422,53	“Ўзбектелеком” АК	“Ўзбектелеком” АК
56.	“Нефтгазқурилиштаъмир” АЖнинг “5-сон қурилиш монтаж” УК собиқ биноси	Коғон тумани “Мустақиллик” МФЙ	0,6	500	Коғон тумани ҳокимлиги	Бухоро вилояти ҳокимлиги

T/р	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м <sup>2</sup> )	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
57.	Қурилиши тугалланмаган бино	Когон тумани Умид кўчаси	0,5	500	“Темирйўлинфратузилма” АЖ	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
58.	Нотурар бино ва иншоот	Когон тумани “Бунёдкор” МФЙ Сайил Амир Кулол шоҳ кўчаси 90-үй	0,4	641,25	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
59.	Ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини сақлаш омборхонаси	Когон шаҳри Амиробод қишлоғи	1,2	2 000	“Трансгазинжиниринг” МЧЖ	“Ўзтрансгаз” АЖ
60.	Марказий омборхона	Когон шаҳри Амиробод қишлоғи	3	2 000	“Трансгазинжиниринг” МЧЖ	“Ўзтрансгаз” АЖ
61.	Қурилиши тугалланмаган санитария-эпидемиология хизмати биноси	Когон шаҳри Умид кўчаси 3-үй	0,47	822,7	“Темирйўлинфратузилма” АЖ	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
62.	Фавқулодда вазиятлар бўлими собиқ биноси	Олот тумани “Наврўз” МФЙ Ўрикзор кўчаси	0,5	631,3	Олот тумани ҳокимлиги	Бухоро вилояти ҳокимлиги
63.	Қўриқлаш хизматининг собиқ биноси	Олот тумани “Маърифат” МФЙ	0,2	309,5	Миллий гвардиянинг Бухоро вилояти қўриқлаш бошқармаси	Миллий гвардия
64.	Собиқ 2-сон филиал биноси	Олот тумани “Човдир” МФЙ Шукронга кўчаси	2	1 584	17-сон умумтаълим мактаби	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
65.	Собиқ муқобил машина-трактор парки бино ва иншоотлари	Қоракўл тумани “Полвонлар” МФЙ Полвонлар кўчаси 199-үй	1,2	2 960	Қоракўл тумани ҳокимлиги	Бухоро вилояти ҳокимлиги
66.	“Қуввача теххизмат” муқобил машина-трактор парки бино ва иншоотлари	Қоракўл тумани “Қуввача” МФЙ, Қуввача кўчаси 145-үй	0,7	1 152,9	Қоракўл тумани ҳокимлиги	Бухоро вилояти ҳокимлиги
67.	Собиқ мактаб биноси	Қоракўл тумани “Янгизамон” МФЙ Янгизамон қишлоғи	0,12	300	28-сон умумтаълим мактаби	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
68.	“Бухоро нефть базаси” МЧЖнинг Қоракўл филиали биноси	Қоракўл тумани “Дўстлик” МФЙ Хасанак кўчаси	5,52	5 170,5	“Бухоро нефть базаси” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м <sup>2</sup> )	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
69.	Умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш бино ва иншооти	Қоракўл тумани “Али Хўжа” МФЙ	0,15	801,3	“Ўзмиллийбанк” АЖ	“Ўзмиллийбанк” АЖ
70.	Бўш турган сув тозалаш иншооти	Қоровулбозор тумани “Ином Бухорий” МФЙ А.Фиждувоний кўчаси 13-үй	34,9	2 826,9	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
71.	Бўш турган бош оқова сув насос станцияси бино ва иншоотлари	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси	0,14	83,1	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
72.	Туаржой биноси (коттеж) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Ибн Сино кўчаси 98-үй	0,08	193	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
73.	Туаржой биноси (6A-10) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани А.Фиждувоний кўчаси 29-үй	0,08	215,66	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
74.	Туаржой биноси (6-14) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси Нақшбандий кўчаси 53-үй	0,18	595	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
75.	Туаржой биноси (6-15 ) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси Нақшбандий кўчаси 57-үй	0,07	194,2	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
76.	Туаржой биноси (6-17) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Нақшбандий кўчаси 63-үй	0,08	168,3	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
77.	Туаржой биноси (6A-18) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Мустақиллик кўчаси 65-үй	0,09	212	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
78.	Умумий ётоқхона 96 ўринли (534-025) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси Мустақиллик кўчаси ½-25	0,005	57	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
79.	Умумий ётоқхона 96 ўринли (534-026) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси Мустақиллик кўчаси ½-26	0,005	57	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ

Т/р	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м <sup>2</sup> )	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
80.	Туаржой биноси (4A-65) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Ибн Сино кўчаси 31-үй	0,07	273,58	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
81.	Туаржой биноси (481) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси Амир Темур кўчаси 45-үй	0,09	350	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
82.	Туаржой биноси (4A-69) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси А.Ревгарий кўчаси 58-үй	0,08	133,1	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
83.	Уй жойдан фойдаланиш ва дорихона биноси (16-цех) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси	0,55	1 375,9	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
84.	Пайвандлаш пости ва омборхона биноси (16-цех)	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси	0,06	163,24	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
85.	Сунъий кўл дам олиш мажмуаси	Қоровулбозор тумани “Ином Бухорий” МФЙ	10	1 135,24	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
86.	Спорт мажмуаси (Нефтчи спорт соғломлаштириш мажмуаси)	Қоровулбозор тумани Ревгарий кўчаси	0,48	4 763,6	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
87.	Поликлиника бино ва иншоотлари	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси	0,89	3 453,4	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
88.	Нефтчилар маданият саройи	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси	0,32	1764	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
89.	240-ўринли ётоқхона биноси <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Амир Темур кўчаси	0,13	7 020,3	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
90.	2-қаватли меҳмонхона биноси	Қоровулбозор тумани “Ином Бухорий” МФЙ	0,54	1 797,2	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
91.	7-ётоқхона биноси <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Темир йўл кўчаси	0,1	288,4	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
92.	8-ётоқхона биноси <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани Темир йўл кўчаси	0,1	288,4	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
93.	Ётоқхона биноси (эски коммунал майший хизмат биноси) <sup>(2)</sup>	Қоровулбозор тумани “Ином Бухорий” МФЙ	0,43	581,31	“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ

Т/р	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони ( $m^2$ )	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
94.	1-сонли канализация ва насос станцияси (оператор хонаси билан)	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси	0,11	81,62	"Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ	"Ўзбекнефтгаз" АЖ
95.	2-сонли канализация ва насос станцияси (оператор хонаси билан)	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси А.Ревгарий кўчаси	0,09	137,7	"Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ	"Ўзбекнефтгаз" АЖ
96.	3-сонли канализация ва насос станцияси (оператор хонаси билан)	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси	0,03	83,23	"Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ	"Ўзбекнефтгаз" АЖ
97.	4-сонли канализация ва насос станцияси	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси	0,02	16,28	"Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ	"Ўзбекнефтгаз" АЖ
98.	5-сонли канализация ва насос станцияси	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси	0,03	62,7	"Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ	"Ўзбекнефтгаз" АЖ
99.	6-сонли канализация ва насос станцияси	Қоровулбозор тумани Нефтчи посёлкаси	0,02	16,28	"Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ	"Ўзбекнефтгаз" АЖ
100.	Маъмурӣ бино <sup>(1)</sup>	Пешкӯ тумани "Янгибозор" МФЙ Мустақиллик кўчаси	0,9	1 478,7	Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси	Ички ишлар вазирлиги
101.	Собиқ "1-сон қурилиш монтаж" унитар корхонаси биноси	Ромитан тумани "Газли" МФЙ	2,1	4 625,4	Ромитан тумани ҳокимлиги	Бухоро вилояти ҳокимлиги
102.	Бўш турган бино	Ромитан тумани "А.Навоий" МФЙ Дўстлик кўчаси	0,2	113,4	Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
103.	Бўш турган (ПРС-10502) бино ва иншоотлари	Ромитан тумани "Қоқишиштубон" МФЙ Қоқишиштубон қишлоғи	1,2	466	"Ўзбектелеком" АК	"Ўзбектелеком" АК
104.	Товуқхона биноси	Ромитан тумани "Хоса" МФЙ "Хоса" қишлоғи	3,6	1189,6	Бухоро банк хизматлари офиси	"Микрокредитбанк" АТБ

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м <sup>2</sup> )	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори түрүвчи орган ёки ташкилот
649.	Маъмурий бино <sup>(10)</sup>	Юнусобод тумани Чингиз Айтматов кўчаси 37-үй	0,44	2 292	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
650.	Тўрт қаватли бинонинг 2-қавати қисми <sup>(6)</sup>	Яққасарой тумани Ш.Руставели кўчаси 22-үй	0,01	149	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси

T/p	Объектнинг номи	Манзили	Эгаллаган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (м <sup>2</sup> )	Балансда сақловчи (мулкдор номи)	Юқори турувчи орган ёки ташкилот
651.	5, 7, 8, 9-талабалар тураржойи бино ва иншоотлари <sup>(3)</sup>	Яккасарой тумани Муқими кўчаси 96-үй	1	15 999	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
652.	Профессионал таълим факультети бино ва иншоотлари <sup>(3)</sup>	Яккасарой тумани Ш.Руставелли кўчаси 105-үй	1,4	8 231,8	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
653.	Ишлаб чиқариш биноси	Яшнобод тумани Оҳанграбо кўчаси 12-үй	0,2	879,1	Автомобиль йўллари қўмитаси	Автомобиль йўллари қўмитаси
654.	Бошланғич таълим факультети бино ва иншоотлари <sup>(3)</sup>	Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 101а-үй	2,5	10 114	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
655.	Маъмурий бино	Яшнобод тумани Жарқўрғон кўчаси 76-үй	0,40	1 865	“Ўзбекнефтгаз” АЖ	“Ўзбекнефтгаз” АЖ
656.	Емхона ва савдо шохобчаси биноси	Янгиҳаёт тумани “Файзли” МФЙ Райхон кўчаси 21а уй	0,02	239	Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги	Тошкент шахри ҳокимлиги
657.	Емхона биноси	Янгиҳаёт тумани “Файзли” МФЙ Дарё бўйи кўчаси 85а-үй	0,01	93	Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги	Тошкент шахри ҳокимлиги
658.	Бўш турган бино ва иншоотлар	Янгиҳаёт тумани Чоштепа кўчаси 219-үй	0,15	517	Тошкент вилояти Дезинфекция станцияси давлат мұассасаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
659.	Бўш турган бино ва иншоотлар <sup>(3)</sup>	Чилонзор тумани Тирсакобод маҳалласи Чорбоғ кўчаси 1-үй	2,4	9 430	“Тошнефтгазқурилиш” АЖ	Давлат активларини бошқариш агентлиги

**Изоҳлар:**

- Мазкур рўйхатга Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси қарори билан ўзгартириш киритилиши ёки активлар рўйхатдан чиқарилиши мумкин.
- Мазкур рўйхат ва кадастр ҳужжатларида активларнинг номланишида ҳамда бино ва иншоотлар эгаллаган майдони кўрсаткичларида ёки балансда сақловчисида тафовут мавжуд бўлган тақдирда, ушбу активлар кадастр ҳужжатлари асосида сотилади.
- Мазкур рўйхатда кўрсатилган активларни савдога чиқаришда, зарур ҳолларда Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан уларни сотиш шартлари ҳам белгиланиши мумкин.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимиға тегишли кўчмас мулк обьектлари нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва фаолият турини сақлаш шарти билан оммавий савдоларга чиқарилади.

5. Ижтимоий соҳа обьектларини сотиш муддати ва шартлари, шу жумладан, фаолият турини сақлаш шартлари Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича комиссияси томонидан белгиланади.

6. Мазкур рўйхатдаги кимёвий дори воситалари сақланган ва ўта хавфли касалликка чалинган ҳайвонлар муолажа қилинган обьектлардан хавфсиз фойдаланиш шартлари тегишлилиги бўйича Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

(1) Объектни савдога чиқариш шартлари ва аукцион танлов савдолари иштирокчиларининг рўйхати вилоят ҳокимлиги томонидан тақдим этилади.

(2) Объектлар устувор равишда обьектдан уй-жой сифатида фойдаланиб келаётган фуқароларга баҳоланган қийматда таклиф этилади.

(3) Объектни сотишдан тушган маблағлар баҳолаш ва сотиш харажатларини чегирган ҳолда, Янги Тошкент шаҳрида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кампусларини қуриш учун балансда сақловчининг асосланган талабига кўра унга мақсадли йўналтирилади. Бунда балансда сақловчининг сўровига асосан обьектлар босқичма-босқич оммавий савдоларга чиқарилади.

(4) Мазкур обьектлар тижорат банкларининг кредит таъминоти бўйича гаровдан бўшагандан сўнг савдога чиқарилади.

(5) Сотиб олиш тўловларини обьектларнинг сотилиш қийматидан қатъи назар 18 ой давомида, яъни дастлабки 35 фоизини бир ой муддатда, қолган қисмини 17 ой муддатда тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш ва тўлов муддати тугагандан ҳамда харидор томонидан тўловлар тўлиқ тўлангандан сўнг, уларни балансда сақловчи томонидан харидорга топшириш ҳамда сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан Ургут тумани “Қўйи Камонгарон” МФЙ ҳудудидаги “Янги Ўзбекистон” массивида барпо этиладиган маъмурӣ марказ қурилишини ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни молиялаштириш учун сотиш харажатлари ҳамда Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси тасаррufида қолдириладиган қисми чегирилган ҳолда буюртмачининг талабномасига асосан маҳсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

(6) Объектни сотишдан тушган маблағлар баҳолаш ва сотиш харажатларини чегирган ҳолда балансда сақловчига йўналтирилади.

(7) Объект дастлаб баҳоланган қийматда сотиб олиш учун мазкур обьектдан фойдаланувчига таклиф этилади.

(8) Объектларни сотишдан тушган маблағларнинг тегишли қисми Мудофаа вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра, Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси қарорига мувофиқ Мудофаа вазирлигининг қурилиш-таъмирлаш харажатларига мақсадли йўналтирилади.

(9) Объект Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилади ва объектдан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида фойдаланиб келинаётган “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан объектдан фойдаланиш зарурати бўлмагандага савдога чиқарилади.

(10) Объектларни сотишдан тушадиган маблағлар (баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда) Тошкент вилояти Зангиота туманида “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери қурилиши ишларини молиялаштириш учун Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасига мақсадли йўналтирилади.

(11) Объектни сотишдан тушган маблағлар баҳолаш ва сотиш харажатларини чегирган ҳолда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг янги қурилаётган Геоинновацион марказ бино ва иншоотларини молиялаштиришга мақсадли йўналтирилади.

(12) Объект негизида кўп қаватли хизмат қўрсатиш мажмуаси ва бир қисмида (ертўласида) замонавий технологиялар билан жиҳозланган бомбапаноҳ (“бомбоубежище”) барпо этиш шарти билан сотилади.

(13) Объект жамиятнинг тегишли бошқарув органлари қарорларига асосан “Индустрiali ҳудуд”ни бошқариш дирекцияси” давлат мұассасасига баҳолангандын қийматда уч йил муддатга фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан кейинчалик кўп қаватли саноат обьекти қуриш учун сотилади. “Индустрiali ҳудуд”ни бошқариш дирекцияси томонидан обьект сотиб олинмаган тақдирда, белгиланган тартибда оммавий савдоларга чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармонига  
З-илова

**Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш учун  
2025 йилда устувор равишда мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларини  
электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш  
РЕЖАСИ**

T/р	Худудлар	Жами ер участкалари (га)	шундан:			
			I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
	Республика бўйича жами:	6 100,1	1 138,9	1 488,8	1 836,4	1 636,0
	Қорақалпоғистон Республикаси	614,3	63,5	165,3	203,8	181,7
1	Амударё тумани	51,3	1,7	14,9	18,3	16,4
2	Беруний тумани	28,1	18,0	3,0	3,8	3,3
3	Бўзатов тумани	30,1	1,9	8,5	10,4	9,3
4	Кегейли тумани	40,6	0,6	12,0	14,8	13,2
5	Қонликўл тумани	30,3	3,0	8,2	10,1	9,0
6	Қораўзак тумани	40,7	1,0	11,9	14,7	13,1
7	Қўнғирот тумани	56,9	2,1	16,4	20,3	18,1
8	Мўйноқ тумани	40,2	0,8	11,8	14,6	13,0
9	Нукус тумани	39,3	0,4	11,7	14,4	12,8
10	Нукус шаҳри	47,0	7,3	11,9	14,7	13,1
11	Тахиатош тумани	33,6	8,4	7,6	9,3	8,3
12	Тахтакўпир тумани	22,7	1,5	6,4	7,8	7,0
13	Тўрткўл тумани	37,3	6,7	9,2	11,3	10,1
14	Хўжайли тумани	35,8	0,7	10,5	13,0	11,6
15	Чимбой тумани	24,7	0,4	7,3	9,0	8,0
16	Шуманай тумани	25,3	2,6	6,8	8,4	7,5
17	Элликқалъа тумани	30,4	6,4	7,2	8,9	7,9
	Андижон вилояти	327,7	32,6	88,5	109,3	97,3
1	Андижон тумани	26,3	9,3	5,1	6,3	5,6
2	Андижон шаҳри	10,5	0,2	3,1	3,8	3,4
3	Асака тумани	19,5	0,1	5,8	7,2	6,4

<b>4</b>	Балиқчи тумани	13,7	1,1	3,8	4,7	4,1
<b>5</b>	Булоқбоши тумани	37,5	0,2	11,2	13,8	12,3
<b>6</b>	Бўстон тумани	19,7	0,8	5,7	7,0	6,2
<b>7</b>	Жалақудук тумани	19,3	0,9	5,5	6,8	6,1
<b>8</b>	Избоскан тумани	15,2	3,1	3,6	4,5	4,0
<b>9</b>	Қўрғонтепа тумани	15,8	1,3	4,3	5,4	4,8
<b>10</b>	Марҳамат тумани	22,5	0,6	6,6	8,1	7,2
<b>11</b>	Олтинкўл тумани	13,5	10,1	1,0	1,3	1,1
<b>12</b>	Пахтаобод тумани	16,0	3,0	3,9	4,8	4,3
<b>13</b>	Улуғнор тумани	23,7	0,7	6,9	8,5	7,6
<b>14</b>	Хонобод шаҳри	30,4	0,1	9,1	11,2	10,0
<b>15</b>	Хўжаобод тумани	28,8	0,6	8,5	10,4	9,3
<b>16</b>	Шаҳрихон тумани	15,3	0,5	4,4	5,5	4,9
<b>Бухоро вилояти</b>		<b>419,0</b>	<b>17,4</b>	<b>120,4</b>	<b>148,6</b>	<b>132,6</b>
<b>1</b>	Бухоро тумани	43,1	1,0	12,6	15,6	13,9
<b>2</b>	Бухоро шаҳри	10,5	10,2	0,1	0,1	0,1
<b>3</b>	Вобкент тумани	34,6	0,6	10,2	12,6	11,2
<b>4</b>	Ғиждувон тумани	44,7	0,3	13,3	16,4	14,7
<b>5</b>	Жондор тумани	36,5	0,2	10,9	13,4	12,0
<b>6</b>	Когон тумани	43,3	0,6	12,8	15,8	14,1
<b>7</b>	Когон шаҳри	21,3	1,0	6,1	7,5	6,7
<b>8</b>	Қоракўл тумани	27,3	0,2	8,1	10,0	9,0
<b>9</b>	Қоровулбозор тумани	29,4	2,1	8,2	10,1	9,0
<b>10</b>	Олот тумани	29,7	0,3	8,8	10,9	9,7
<b>11</b>	Пешку тумани	32,0	0,4	9,5	11,7	10,4
<b>12</b>	Ромитан тумани	36,7	0,3	10,9	13,5	12,0
<b>13</b>	Шоғиркон тумани	29,9	0,2	8,9	11,0	9,8
<b>Жиззах вилояти</b>		<b>363,9</b>	<b>92,3</b>	<b>81,5</b>	<b>100,6</b>	<b>89,5</b>
<b>1</b>	Арнасой тумани	14,7	3,4	3,4	4,2	3,7
<b>2</b>	Бахмал тумани	38,3	9,5	8,6	10,7	9,5
<b>3</b>	Ғаллаорол тумани	43,0	4,0	11,7	14,4	12,9
<b>4</b>	Дўстлик тумани	17,9	0,1	5,4	6,6	5,8

<b>5</b>	Жиззах шаҳри	11,7	0,6	3,3	4,1	3,7
<b>6</b>	Зарбдор тумани	28,9	1,5	8,2	10,1	9,1
<b>7</b>	Зафаробод тумани	18,6	3,2	4,6	5,7	5,1
<b>8</b>	Зомин тумани	50,3	24,4	7,8	9,6	8,5
<b>9</b>	Мирзачўл тумани	17,1	0,2	5,1	6,2	5,6
<b>10</b>	Пахтакор тумани	16,0	0,4	4,7	5,8	5,1
<b>11</b>	Фориш тумани	26,4	25,7	0,2	0,3	0,2
<b>12</b>	Шароғ Рашидов тумани	49,3	18,6	9,2	11,4	10,1
<b>13</b>	Янгиобод тумани	31,7	0,7	9,3	11,5	10,2
<b>Қашқадарё вилояти</b>		<b>453,3</b>	<b>24,8</b>	<b>128,7</b>	<b>158,5</b>	<b>141,3</b>
<b>1</b>	Ғузор тумани	28,5	0,1	8,5	10,5	9,4
<b>2</b>	Дехқонобод тумани	29,3	2,7	8,0	9,8	8,8
<b>3</b>	Касби тумани	24,4	0,1	7,3	9,0	8,0
<b>4</b>	Китоб тумани	36,1	0,9	10,6	13,0	11,6
<b>5</b>	Косон тумани	28,5	2,0	8,0	9,8	8,7
<b>6</b>	Қамаши тумани	46,2	2,9	13,0	16,0	14,3
<b>7</b>	Қарши тумани	40,7	0,2	12,1	15,0	13,4
<b>8</b>	Қарши шаҳри	6,8	6,5	0,1	0,1	0,1
<b>9</b>	Миришкор тумани	27,8	0,2	8,3	10,2	9,1
<b>10</b>	Муборак тумани	30,7	0,4	9,1	11,2	10,0
<b>11</b>	Нишон тумани	23,4	0,4	6,9	8,5	7,6
<b>12</b>	Чироқчи тумани	24,2	0,3	7,2	8,8	7,9
<b>13</b>	Шаҳрисабз тумани	41,7	5,0	11,0	13,6	12,1
<b>14</b>	Шаҳрисабз шаҳри	8,4	0,1	2,5	3,1	2,7
<b>15</b>	Кўқдала тумани	33,2	2,9	9,1	11,2	10,0
<b>16</b>	Яккабоғ тумани	23,4	0,1	7,0	8,7	7,6
<b>Навоий вилояти</b>		<b>485,8</b>	<b>96,9</b>	<b>116,7</b>	<b>143,9</b>	<b>128,3</b>
<b>1</b>	Зарафшон шаҳри	10,6	5,2	1,6	2,0	1,8
<b>2</b>	Кармана тумани	124,4	41,9	24,8	30,5	27,2
<b>3</b>	Конимех тумани	23,0	2,1	6,3	7,7	6,9
<b>4</b>	Қизилтепа тумани	143,4	0,4	42,9	52,9	47,2
<b>5</b>	Навбаҳор тумани	35,3	18,0	5,2	6,4	5,7

<b>6</b>	Навоий шаҳри	36,8	2,0	10,4	12,9	11,5
<b>7</b>	Нурота тумани	34,7	17,7	5,1	6,3	5,6
<b>8</b>	Томди тумани	19,1	5,0	4,2	5,2	4,7
<b>9</b>	Учқудуқ тумани	23,0	0,1	6,9	8,5	7,5
<b>10</b>	Хатирчи тумани	23,6	4,4	5,8	7,1	6,3
<b>11</b>	Ғозғон шаҳри	11,9	0,1	3,5	4,4	3,9
<b>Наманган вилояти</b>		<b>274,4</b>	<b>20,6</b>	<b>76,2</b>	<b>93,9</b>	<b>83,7</b>
<b>1</b>	Косонсой тумани	18,8	0,4	5,5	6,8	6,1
<b>2</b>	Мингбулоқ тумани	15,5	0,1	4,6	5,7	5,1
<b>3</b>	Наманган тумани	22,4	0,2	6,7	8,2	7,3
<b>4</b>	Наманган шаҳри	29,0	0,1	8,7	10,7	9,5
<b>5</b>	Норин тумани	12,8	0,1	3,8	4,7	4,2
<b>6</b>	Поп тумани	45,5	0,1	13,6	16,8	15,0
<b>7</b>	Тўрақўрғон тумани	35,2	4,0	9,4	11,5	10,3
<b>8</b>	Үйчи тумани	20,4	0,1	6,1	7,5	6,7
<b>9</b>	Учқўрғон тумани	19,1	0,1	5,7	7,0	6,3
<b>10</b>	Чорток тумани	15,4	0,1	4,6	5,7	5,0
<b>11</b>	Чуст тумани	22,2	15,2	2,1	2,6	2,3
<b>12</b>	Янгиқўрғон тумани	18,1	0,1	5,4	6,7	5,9
<b>Самарқанд вилояти</b>		<b>730,2</b>	<b>255,1</b>	<b>142,7</b>	<b>175,9</b>	<b>156,5</b>
<b>1</b>	Бўлунғур тумани	41,6	6,7	10,5	12,9	11,5
<b>2</b>	Жомбой тумани	28,9	7,3	6,5	8,0	7,1
<b>3</b>	Иштихон тумани	30,7	10,7	6,0	7,4	6,6
<b>4</b>	Каттақўрғон тумани	79,1	0,5	23,6	29,1	25,9
<b>5</b>	Каттақўрғон шаҳри	39,1	3,8	10,6	13,1	11,6
<b>6</b>	Қўшработ тумани	72,7	9,3	19,0	23,5	20,9
<b>7</b>	Нарпай тумани	29,3	3,8	7,7	9,4	8,4
<b>8</b>	Нуробод тумани	72,2	71,5	0,2	0,3	0,2
<b>9</b>	Оқдарё тумани	40,3	12,4	8,4	10,3	9,2
<b>10</b>	Пайариқ тумани	32,7	18,1	4,4	5,4	4,8
<b>11</b>	Пастдарғом тумани	58,6	2,8	16,7	20,7	18,4
<b>12</b>	Пахтачи тумани	65,8	14,5	15,4	19,0	16,9

<b>13</b>	Самарқанд тумани	42,0	10,4	9,5	11,7	10,4
<b>14</b>	Самарқанд шаҳри	29,5	29,2	0,1	0,1	0,1
<b>15</b>	Тойлоқ тумани	23,1	10,1	3,9	4,8	4,3
<b>16</b>	Ургут тумани	44,6	44,0	0,2	0,2	0,2
<b>Сирдарё вилояти</b>		<b>333,6</b>	<b>123,8</b>	<b>62,9</b>	<b>77,8</b>	<b>69,1</b>
<b>1</b>	Боёвут тумани	36,1	0,1	10,8	13,4	11,8
<b>2</b>	Гулистон тумани	37,5	0,1	11,2	13,9	12,3
<b>3</b>	Гулистон шаҳри	8,9	0,3	2,6	3,2	2,8
<b>4</b>	Мирзаобод тумани	47,7	0,1	14,3	17,6	15,7
<b>5</b>	Оқолтин тумани	24,2	0,4	7,1	8,8	7,9
<b>6</b>	Сайхунобод тумани	22,0	21,6	0,1	0,2	0,1
<b>7</b>	Сардоба тумани	40,6	3,0	11,3	13,9	12,4
<b>8</b>	Сирдарё тумани	37,6	36,8	0,2	0,3	0,3
<b>9</b>	Ховос тумани	50,9	45,7	1,6	1,9	1,7
<b>10</b>	Ширин шаҳри	12,8	2,8	3,0	3,7	3,3
<b>11</b>	Янгиер шаҳри	15,3	12,9	0,7	0,9	0,8
<b>Сурхондарё вилояти</b>		<b>480,4</b>	<b>73,3</b>	<b>122,2</b>	<b>150,6</b>	<b>134,3</b>
<b>1</b>	Ангор тумани	19,4	0,2	5,8	7,1	6,3
<b>2</b>	Бандиҳон тумани	51,3	25,9	7,6	9,4	8,4
<b>3</b>	Бойсун тумани	32,9	4,8	8,4	10,4	9,3
<b>4</b>	Денов тумани	23,4	4,3	5,7	7,1	6,3
<b>5</b>	Жарқўрғон тумани	33,8	0,8	9,9	12,2	10,9
<b>6</b>	Қизириқ тумани	41,6	4,0	11,3	13,9	12,4
<b>7</b>	Қўмқўрғон тумани	37,3	1,9	10,6	13,1	11,7
<b>8</b>	Музработ тумани	21,4	1,1	6,1	7,5	6,7
<b>9</b>	Олтисой тумани	21,0	2,1	5,7	7,0	6,2
<b>10</b>	Сариосиё тумани	33,6	0,1	10,1	12,4	11,0
<b>11</b>	Термиз тумани	77,3	20,0	17,2	21,2	18,9
<b>12</b>	Термиз шаҳри	8,5	0,1	2,5	3,1	2,8
<b>13</b>	Узун тумани	19,9	0,6	5,8	7,1	6,4
<b>14</b>	Шеробод тумани	41,7	0,1	12,5	15,4	13,7

15	Шўрчи тумани	17,3	7,3	3,0	3,7	3,3
	<b>Тошкент вилояти</b>	<b>649,5</b>	<b>262,1</b>	<b>115,9</b>	<b>143,5</b>	<b>128,0</b>
1	Ангрен шаҳри	29,7	3,0	8,0	9,9	8,8
2	Бекобод тумани	17,6	1,9	4,7	5,8	5,2
3	Бекобод шаҳри	12,8	0,4	3,7	4,6	4,1
4	Бўка тумани	24,6	2,2	6,7	8,3	7,4
5	Бўстонлиқ тумани	41,7	8,6	9,9	12,3	10,9
6	Зангиота тумани	31,8	10,4	6,4	7,9	7,1
7	Қибрай тумани	36,8	36,3	0,1	0,2	0,2
8	Қўйи Чирчиқ тумани	24,5	2,4	6,6	8,2	7,3
9	Нурафшон шаҳри	38,5	37,6	0,3	0,3	0,3
10	Оққўрғон тумани	22,3	1,4	6,3	7,7	6,9
11	Олмалиқ шаҳри	22,2	14,4	2,3	2,9	2,6
12	Оҳангарон шаҳри	10,5	0,5	3,0	3,7	3,3
13	Оҳангарон тумани	67,6	66,5	0,3	0,4	0,4
14	Паркент тумани	78,2	41,5	11,0	13,6	12,1
15	Пискент тумани	65,8	2,5	19,0	23,4	20,9
16	Тошкент тумани	26,7	6,3	6,1	7,6	6,7
17	Ўрта Чирчиқ тумани	18,5	0,9	5,3	6,5	5,8
18	Чиноз тумани	24,2	4,0	6,0	7,5	6,7
19	Чирчиқ шаҳри	18,0	15,0	0,9	1,1	1,0
20	Юқори Чирчиқ тумани	17,7	5,0	3,8	4,7	4,2
21	Янгийўл тумани	12,3	1,2	3,3	4,1	3,7
22	Янгийўл шаҳри	7,5	0,1	2,2	2,8	2,4
	<b>Фарғона вилояти</b>	<b>425,8</b>	<b>27,3</b>	<b>119,8</b>	<b>147,4</b>	<b>131,3</b>
1	Бағдод тумани	21,0	0,1	6,3	7,7	6,9
2	Бешариқ тумани	28,2	3,8	7,3	9,0	8,1
3	Бувайда тумани	16,7	0,1	5,0	6,2	5,4
4	Данғара тумани	17,1	0,5	5,0	6,1	5,5
5	Ёзёвон тумани	38,5	2,8	10,7	13,2	11,8
6	Қува тумани	17,4	5,5	3,6	4,4	3,9
7	Қувасой шаҳри	19,6	4,2	4,6	5,7	5,1

<b>8</b>	Қўқон шаҳри	5,5	0,1	1,7	2,0	1,7
<b>9</b>	Қўштепа тумани	17,4	0,1	5,2	6,4	5,7
<b>10</b>	Марғилон шаҳри	19,6	0,1	5,9	7,2	6,4
<b>11</b>	Олтиариқ тумани	23,4	0,1	7,0	8,7	7,6
<b>12</b>	Риштон тумани	22,9	1,5	6,4	7,9	7,1
<b>13</b>	Сўх тумани	15,7	0,1	4,7	5,8	5,1
<b>14</b>	Тошлоқ тумани	17,4	0,1	5,2	6,4	5,7
<b>15</b>	Ўзбекистон тумани	42,9	4,2	11,6	14,3	12,8
<b>16</b>	Учкўприк тумани	18,0	0,1	5,4	6,6	5,9
<b>17</b>	Фарғона тумани	45,9	1,0	13,5	16,6	14,8
<b>18</b>	Фарғона шаҳри	21,5	1,5	6,0	7,4	6,6
<b>19</b>	Фурқат тумани	17,1	1,4	4,7	5,8	5,2
<b>Хоразм вилояти</b>		<b>343,6</b>	<b>24,2</b>	<b>95,9</b>	<b>118,2</b>	<b>105,3</b>
<b>1</b>	Боғот тумани	25,4	4,5	6,3	7,7	6,9
<b>2</b>	Гурлан тумани	26,6	0,3	7,9	9,7	8,7
<b>3</b>	Қўшкўпир тумани	26,8	0,4	7,9	9,8	8,7
<b>4</b>	Тупроққалъа тумани	41,9	1,6	12,1	14,9	13,3
<b>5</b>	Урганч тумани	34,3	10,6	7,1	8,8	7,8
<b>6</b>	Урганч шаҳри	7,1	0,2	2,1	2,5	2,3
<b>7</b>	Ҳазорасп тумани	31,8	3,5	8,5	10,5	9,3
<b>8</b>	Хива тумани	37,5	1,8	10,7	13,2	11,8
<b>9</b>	Хива шаҳри	7,8	0,2	2,3	2,8	2,5
<b>10</b>	Хонқа тумани	24,3	0,1	7,3	9,0	7,9
<b>11</b>	Шовот тумани	29,7	0,6	8,7	10,8	9,6
<b>12</b>	Янгиариқ тумани	25,5	0,1	7,6	9,4	8,4
<b>13</b>	Янгибозор тумани	24,9	0,3	7,4	9,1	8,1
<b>Тошкент шаҳри</b>		<b>198,6</b>	<b>25,0</b>	<b>52,1</b>	<b>64,4</b>	<b>57,1</b>
<b>1</b>	Бектемир тумани	14,6	0,3	4,3	5,3	4,7
<b>2</b>	Мирзо Улуғбек тумани	34,9*	1,0	9,9*	12,8	11,2
<b>3</b>	Миробод тумани	8,2	0,1	2,5	3,0	2,6
<b>4</b>	Олмазор тумани	10,5	0,1	3,1	3,9	3,4
<b>5</b>	Сергели тумани	27,6	0,6	8,1	10,0	8,9

6	Учтепа тумани	11,0	0,1	3,3	4,1	3,5
7	Чилонзор тумани	10,7	1,7	2,7	3,3	3,0
8	Шайхонтоҳур тумани	10,8	0,8	3,0	3,7	3,3
9	Юнусобод тумани	15,5*	0,1	4,6	5,7	5,1
10	Яккасарой тумани	10,9*	0,1	5,3	2,9	2,6
11	Яшнобод тумани	28,8	1,5	8,2	10,1	9,0
12	Янгиҳаёт тумани	18,9	18,6	0,1	0,1	0,1

**Изоҳ:** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Кадастр агентлигининг шаҳарсозлик ҳужжатларидан келиб чиқиб тайёрлаган хulosаси мавжуд ер участкалари мулк ҳуқуқи асосида аукцион савдоларига чиқарилади.

\*Мулк ҳуқуқи асосида реализация қилинадиган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари инобатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармонига  
4-илова

**2025 йилда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун фойдаланиш  
ҳуқуқи электрон онлайн аукцион савдолариға чиқариладиган асосий  
турдаги фойдали қазилма кон ва участкалари  
РҮЙХАТИ**

T/р	Объект номи	Жойлашган жойи	Белгиланган мақсад	Фойдали қазилма тури
1	Акба	Қашқадарё вилояти Китоб тумани	Қазиб олиш	олтин
2	Терекли	Тошкент вилояти Оҳангарон тумани	Геологик ўрганиш	олтин
3	Толбулоқ	Тошкент вилояти Пискент тумани	Геологик ўрганиш	олтин кумуш
4	Ямбисқоқ	Навоий вилояти Конимех тумани	Геологик ўрганиш	олтин
5	Балакарак	Навоий вилояти Конимех тумани	Геологик ўрганиш	олтин кумуш
6	Авлиё	Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани	Геологик ўрганиш	олтин
7	Четтик	Бухоро вилояти Фиждувон тумани	Геологик ўрганиш	олтин кумуш
8	Темирчи	Навоий вилояти Навбаҳор тумани	Геологик ўрганиш	олтин
9	Пирали	Навоий вилояти Навбаҳор тумани	Геологик ўрганиш	олтин
10	Заргар-1	Самарқанд вилояти Қўшработ тумани	Геологик ўрганиш	олтин
11	Аяқудуқ	Навоий вилояти Томди тумани	Геологик ўрганиш	олтин
12	Жонкелди	Навоий вилояти Навбаҳор тумани	Геологик ўрганиш	олтин кумуш
13	Шарқий Оқбел	Самарқанд вилояти Қўшработ тумани	Геологик ўрганиш	олтин
14	Йўлсой	Жиззах вилояти Зомин тумани	Геологик ўрганиш	олтин
15	Лайлакхона	Тошкент вилояти Паркент тумани	Геологик ўрганиш	темир
16	Темирли	Тошкент вилояти Паркент тумани	Геологик ўрганиш	темир
17	Қайроқтош	Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани	Геологик ўрганиш	олтин
18	Акказат	Навоий вилояти Томди тумани	Геологик ўрганиш	олтин
19	Корумди	Навоий вилояти Навбаҳор тумани	Геологик ўрганиш	олтин кумуш

T/p	Объект номи	Жойлашган жойи	Белгиланган мақсад	Фойдали қазилма түри
20	Белтоғ	Бұхоро вилояты Пешкү тумани	Геологик үрганиш	олтин
21	Байрам-1	Сурхондарё вилояты Сариосиё тумани	Геологик үрганиш	олтин күмүш
22	Ёнғоқли	Сурхондарё вилояты Сариосиё тумани	Геологик үрганиш	құрғошин рух
23	Қоракон	Сурхондарё вилояты Сариосиё тумани	Геологик үрганиш	құрғошин рух
24	Қирғоқли	Сурхондарё вилояты Сариосиё тумани	Геологик үрганиш	құрғошин рух
25	Ойрақ	Навоий вилояты Томди тумани	Геологик үрганиш	олтин
26	Ойдинбулоқ	Навоий вилояты Навбаҳор тумани	Геологик үрганиш	олтин күмүш
27	Заргар	Жиззах вилояты Ғаллаорол тумани	Геологик үрганиш	олтин
28	Духона	Сурхондарё вилояты Узун тумани	Геологик үрганиш	мис
29	Лапас	Самарқанд вилояты Пахтачи тумани	Геологик үрганиш	қалай
30	Чиғатай	Самарқанд вилояты Пахтачи тумани	Геологик үрганиш	темир

**Изоҳ:** мазкур иловада күрсатылған фойдали қазилма кон ва участкаларни геологик үрганиш ва қазиб олиш учун аукционга қўйишнинг бошлиғи нархи Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармонига  
5-илова

**Вазирлик ва идоралар, давлат иштирокидаги  
йирик корхоналарда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик  
масалаларига масъул ўринбосарларнинг  
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

**1.** Рақобат ривожланган ва хусусий сектор кириб келган соҳалардаги давлат мулкини сотиш, шу жумладан, активлардан давлат-хусусий шерикчилик механизмини кенг қўллаш орқали самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

**2.** Тизимдаги активлардан, хусусан, носоҳавий ва бўш турган активларни сотишга тайёрлаш.

**3.** Меҳнат унумдорлигини ошириш ва кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини ошириш мақсадида соҳани рақамлаштириш ҳамда вазирлик ва идора фаолиятига хусусий секторни кенг жалб этиш.

**4.** Давлат иштирокидаги корхоналарнинг акцияларини ҳалқаро ва миллий капитал бозорида бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиласмачи (SPO) оммавий таклиф этишга тайёрлаш ва жараённи ташкил этиш.

**5.** Хусусийлаштириш дастурларига асосан оммавий савдоларга чиқарилган давлат активларини салоҳиятли инвесторларга сотиш учун доимий равишда тарғибот ишларини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармонига  
6-илова

**Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида  
давлат активларини хусусийлаштириш ва давлат  
мулкини ижарага бериш йўналишларидаги  
ИМТИЁЗ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ**

**I. Давлат активларини хусусийлаштиришда:**

**1. Сотиб олиш тўловига чегирма қўллаш йўналишида:**

а) давлат активи харидорининг чегирма бериш тўғрисидаги ёзма (электрон) аризасига мувофиқ, сотиб олиш тўловлари бир ой муддатда тўланишини назарда тутувчи олди-сотди шартномаси (биржা битими) тузилган кундан бошлаб сотиб олиш тўловлари бир ой давомида тўланган тақдирда, харидорга харид суммасидан мазкур шартнома тузилган санада амалда бўлган Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида чегирма қўлланади, бундан чегирма қўлламаслик шарти билан сотилган, шунингдек, бошланғич нархи пасайтирилган ҳолда сотилган давлат активлари мустасно. Бунда харидорга сотиб олиш тўловларини мазкур чегирмани қўллаган ҳолда тўлаш имкони берилади;

б) 2027 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк обьектлари бўйича тузилган олди-сотди шартномаларига мувофиқ тўловлар уч ой ичida тўлиқ тўланганда шартнома қийматининг 25 фоизига тенг миқдорда чегирмалар берилади;

в) Хоразм вилоятида жойлашган давлат кўчмас мулк обьектларини сотиб олган харидор олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч ой ичida сотиб олиш тўловларини тўлиқ амалга оширса, сотиб олиш тўловлари суммасидан 25 фоиз миқдорида чегирма берилади.

**2. Сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш йўналишида:**

а) давлат кўчмас мулк обьектлари ва давлат улушлари учун сотиб олиш тўловларини савдолар ўтказилган санадаги белгиланган базавий ҳисоблаш миқдори (кейинги ўринларда – БҲМ) баравари миқдорида ҳисобланадиган сотиб олиш тўловлари (БҲМнинг 3 000 бараваридан бошлаб, 20 000 бараваридан юқори) миқдоридан келиб чиқсан ҳолда З йилгача бўлган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади, жумладан:

БХМнинг уч минг бараваригача – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан уч ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг уч минг бараваридан юқори, бироқ БХМнинг олти минг бараваридан кўп бўлмагандан – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан олти ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг олти минг бараваридан юқори, бироқ БХМнинг ўн икки минг бараваридан кўп бўлмагандан – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўн икки ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг ўн икки минг бараваридан юқори, бироқ БХМнинг ўн беш минг бараваридан кўп бўлмагандан – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўн саккиз ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг ўн беш минг бараваридан юқори, бироқ БХМнинг ўн саккиз минг бараваридан кўп бўлмагандан – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан йигирма тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг ўн саккиз минг бараваридан юқори, бироқ БХМнинг йигирма минг бараваридан кўп бўлмагандан – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўттиз ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг йигирма минг бараваридан юқори бўлганда – олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўттиз олти ойдан кўп бўлмаган муддатда;

**б) 2027 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган:**

аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк обьектларининг сотиб олиш нархидан қатъи назар барча харидорларга харид тўловларини етти йил муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

туман ҳокимларни балансидаги бўш турган кўчмас мулк обьектларини хусусий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига берилган, уч йилдан сўнг хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолаш пайтида баҳолангандан қийматнинг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўлаш ҳисобига беш йил давомида тўлаш шарти билан хусусийлаштириш имкони берилади;

**в) Хоразм вилоятида жойлашган хусусийлаштирилаётган давлат мулки бўйича тўловларни, уларнинг миқдоридан қатъи назар, беш йил ичида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;**

г) меҳмонхона ва туризм хизматларини кўрсатиш бўйича давлат мулкини савдога чиқаришда харид тўловлари миқдоридан қатъи назар уларни беш йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

д) “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурида иштирок этаётганлигини тасдиқловчи сертификатга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари аукционда давлат кўчмас мулк обьектларини сотиб олганда тадбиркорлик субъектлари (Дастурга киритилган Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно) томонидан яратиладиган янги иш ўринлари сонига қараб уч йилдан беш йилгача тўловларни фоизсиз тўлаш имконияти берилади;

е) ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифадаги:

туман ва шаҳарларида давлат активлари (ер участкалари бундан мустасно) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилганда, дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолатларда қолган суммага сотиб олиш тўловидан қатъи назар 60 ой давомида teng улушларда тўловларни амалга ошириш имконияти берилади;

туманларида фаолият юритаётган “АА” ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига давлат мулкини сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш муддати, сотиб олиш тўловлари миқдоридан қатъи назар, етти йил ичida teng улушларда тўлаш имконияти берилади;

ж) электротехника соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун электротехника саноати корхоналари томонидан оммавий савдолар орқали сотиб олинадиган давлат кўчмас мулк обьектлари бўйича тўловларни 10 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

з) хусусийлаштириш дастурига кирган автотранспорт воситаларини сақлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган давлат мулки обьектлари (автокорхоналар) ўз профилини сақлаб қолган ҳолда оммавий савдоларга чиқарилади (шаҳар марказида жойлашганлари бундан мустасно).

Бунда обьектларни савдога чиқаришда харид тўловларини уларнинг миқдоридан қатъи назар, 5 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилади ҳамда олти ойдан ортиқ муддатда сотилмасдан турган обьектларнинг бошланғич баҳоси 30 фоизгача пасайтирилади;

**и) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат активлари бўйича камида 35 фоиз миқдоридаги дастлабки тўловни бирйўла амалга оширган харидорларга мазкур давлат активлари Давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредиттаъминоти сифатида гаровга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш ҳуқуқи берилади;**

**к) тиббиёт ва таълим ташкилотини ташкил этиш учун аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк обьектларининг сотиб олиш наридан қатъи назар барча харидорларга харид тўловларини беш йил муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади.**

**3. Бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат мулкига Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдоридаги йиллик фоизлар қўйидаги ҳолларда ҳисобланмайди:**

**а) давлат мулки бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилганда дастлабки бирйўла тўлов суммаси бир ой муддат ичида 35 фоиздан юқори бўлганда;**

**б) ихтисослашуви ва кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифадаги:**

туман ва шаҳарларида давлат мулкини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилганда дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолларда;

туманларда фаолият юритаётган “АА” ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат мулки бўйича дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолларда.

**4. Ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифадаги туман ва шаҳарлари учун давлат мулки обьектларини электрон савдоларга чиқаришда лотнинг закалат миқдорини амалдаги ставкага нисбатан 50 фоиз қилиб белгилаш имконияти берилади.**

**5. Бошланғич нархи пасайтириш механизмини қўллаш йўналишида:**

**а) 2026 йил 1 январгача давлат активлари уч ой давомида сотилмагандан (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) уларнинг бошланғич нархи қолдиқ (баланс) қиймати ёки соф активлари миқдоридан қатъи назар 10 фоизигача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилади. Бунда давлат активларининг бошланғич нархи пасайтирилгандан кейин ҳам уч ой муддатда сотилмаган тақдирда хусусийлаштиришнинг бошқа усувлари қўлланади;**

**б)** оммавий савдоларда давлат мулкини сотиб олишга икки ой мобайнида талабнома түшмаган тақдирда, Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланадиган механизмга асосан нарх қадам-бақадам пасайтириб борилиши мумкин.

**6.** Давлат мулкини сотишга уларни қисмларга ажратган ҳолда ва ортиқча ер участкаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кейинчалик бу ерларда қонунчиликда назарда тутилган мақсадлар учун топшириш орқали йўл қўйилади.

**7. Ижаравчиларга давлат кўчмас мулк объектларини тўғридан-тўғри сотиш йўналишида:**

**а)** тадбиркорлик субъектлари томонидан “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ижара шартномалари бўйича ижарага олинганига камида беш йил бўлган давлат мулки обьектини капитал таъмирлаш, модернизация қилиш, теварак-атрофини ободонлаштириш ҳамда бино ва иншоотларни турли даражада яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилган ва ижара тўловлари ўз вақтида тўлаб келинган ҳамда ушбу обьект хусусийлаштириш дастурига киритилган тақдирда, уларга ушбу давлат мулки обьектининг ижарага олинган қисми баҳоланган қийматда тўғридан-тўғри сотиб олиш ҳуқуқи берилади;

**б)** майдони **10 минг метр квадратгача** бўлган давлат мулки обьектлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида саноатни жадал ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари тавсиясига асосан юқори технологияли маҳсулот яратадиган тадбиркорлик субъектларига **5 йил муддатга тўғридан-тўғри** текин фойдаланишга берилади ҳамда шартнома шартлари бажарилган тақдирда, ушбу тадбиркорлик субъектларига баҳоланган қийматда тўғридан-тўғри сотилади;

**в)** 2025 йил 1 марта бошлиб ҳудуди **10 минг метр квадратдан**, баҳоланган қиймати **5 минг БҲМдан** ошмаган ҳамда **6 ой давомида** сотилмаган маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли муниципал кўчмас мулк обьектларини (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) икки йил ичida янги лойиҳани ишга тушириш ва иш ўринлари яратиш шарти билан тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри **10 йил муддатга** ижарага берилади ҳамда давлат мулки учун **4 йил давомида** узлуксиз ижара тўловларини амалга оширган ва ижара шартномаси шартларини бажарган тадбиркорга баҳоланган қийматда тўғридан-тўғри сотиб олиш имконияти берилади.

## **II. Ер участкаларини реализация қилишда:**

**1.** Барча турдаги ер участкаларининг қиймати ўн беш иш кунида түлиқ тўланган тақдирда, жами суммага нисбатан 20 фоиз чегирма берилади, бундан бошланғич нархи 50 фоиздан ортиқа пасайтирилган ҳолда реализация қилинган ер участкалари мустасно.

### **2. Сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш йўналишида:**

**а)** Савдо-саноат палатаси томонидан берилган “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастурида иштирок этаётганлигини тасдиқловчи сертификатга эга тадбиркорлик субъектлари (Дастурга киритилган Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно) аукционда давлат мулкидаги ерга бўлган ҳуқуқларни сотиб олганда тадбиркорлик субъектлари томонидан яратиладиган янги иш ўринлари сонига қараб 3 йилдан 5 йилгача тўловларни фоизсиз тўлаш имконияти берилади.

**б)** қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида сотиб олиш қийматини қўйидаги шартларда ҳар ойда тенг улушларда, қолдиқ суммага Марказий банкнинг асосий ставкасида фоиз ҳисоблаган ҳолда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади:

Тошкент шаҳрида – 1 йил давомида ҳамда Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида – 3 йил давомида камида 35 фоиз миқдорида дастлабки тўловни ўн беш иш кунида амалга ошириш шарти билан;

бошқа аҳоли пунктларида – 5 йил давомида, ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифалардаги туманларида эса 10 йил давомида камида 15 фоиз миқдорида дастлабки тўловни ўн беш иш кунида амалга ошириш шарти билан;

**в)** эркин иқтисодий, кичик ва ёшлар саноат зоналарида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун аукцион орқали ер ижарага олинганда ижара тўловлари лойиҳа ишга тушгунга қадар, бироқ 2 йилдан кўп бўлмаган муддатга тўлаш кечикирилиши мумкин;

**3.** Ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифадаги туман ва шаҳарларида давлат мулки ҳисобланган ер участкаларини электрон савдоларга чиқаришда преференциялар бериш мақсадида лотнинг бошланғич закалат миқдори (амалдаги ставкага нисбатан) 50 фоиз миқдорида белгиланади.

**4. Бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича камида 35 фоиз миқдоридаги дастлабки тўловни бирйўла амалга оширган харидорларга мазкур ер участкаларини Давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш ҳуқуқи берилади.**

Бунда 4- ва 5-тоифаларга киритилган туманларда жойлашган мулк ҳуқуқи асосида сотиб олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш дастлабки тўлов миқдори 15 фоиз миқдорида бўлганда амалга оширилади.

**5. Аукцион савдоларига чиқарилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) уч ой давомида сотилмаганда, уларнинг бошланғич нархи 30 фоизигача, олти ой давомида сотилмаганда 10 фоизигача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилади.**

### **III. Давлат мулки обьектларини ижарага беришда:**

#### **1. Ижара тўловларига чегирма қўллаш йўналишида:**

**а)** уч ойдан ортиқ муддатга ўттиз нафардан зиёд касаначиларни белгиланган тартибда жалб қилган ва касаначилик асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (кўрсатилган хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари жами даромадининг 60 фоизидан кўпроғини ташкил этган тадбиркорлик субъектларига ҳудудлар кесимида белгиланган шартлар асосида 2026 йил 1 январга қадар давлат мулки обьектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловлари 50 фоиз миқдорида белгиланади;

**б)** нодавлат спорт-таълим муассасаси томонидан жисмоний тарбия ва спорт хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлар ижара тўлови харажатлари 2026 йил 1 январга қадар 50 фоизга камайтирилади;

**в)** спорт тўгаракларини ташкил этиш учун маҳаллада бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда ушбу обьектга нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдорида ижарага берилади;

**г)** моддий маданий мерос объектларини инвестиция киритиш шарти билан ижарага олган тадбиркорлик субъектлари улар билан шартнома тузилган кундан бошлаб беш йил муддатга ижара тўловининг ҳисоблаб чиқилган қийматининг 80 фоизи миқдорида ижара тўловини тўлашдан озод этилади;

**д)** ҳудудларда бўш турган ва бир йилдан буён аукцион савдоларида сотилмасдан турган давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар, шунингдек, касб-ҳунар коллежларининг фойдаланилмасдан бўш турган бинолари “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури иштирокчиларига (Дастурга киритилган Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно) ўз ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш ҳамда амалий мономарказ ташкил қилиш учун фойдаланишга танлов (талабгор ягона бўлганда – тўғридан-тўғри шартнома) асосида ижара ставкасининг минимал миқдори бўйича ижарага берилади;

**е)** Олимпия ва Паралимпия ҳамда Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва республика чемпионатларида охирги 5 йилда ғолиб ва совриндор (1–3 ўрин) бўлган спортчи-тренерларга, шунингдек, олис ва чекка ҳудудларда фаолият юритувчи спортчи-тренерларга спорт тўгаракларини ташкил этиш учун туман ва шаҳарларда бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда ушбу объектга нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдорида ижарага берилади;

**ж)** маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан давлатнинг кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг минимал ставкасини ҳар йили белгилаш чоғида соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан давлат мулки учун ижара ҳақининг минимал ставкаси 20 фоизга камайтирилади;

**з)** “Аёллар дафтари”га киритилган камида 5 нафар ишсиз хотин-қизларни касаначилик асосида ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидаги бино ва иншоотларни ижарага олишда имтиёз бериш шартларига мос бўлганда ижара ҳақи 50 фоиз миқдорда ундирилади;

**и)** “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкини ижарага олишда ижара тўловларидан тақдим этиладиган имтиёзлар рўйхатида белгиланган мезонларга мувофиқ “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда умумий ижара майдонига нисбатан ижара тўловларидан 50 фоиз миқдорда имтиёз берилади;

**к)** давлат мулкини ижарага олган алоҳида тоифадаги (2018 йил 1 августдан бошлаб имтиёзлар ва преференциялар бериладиган алоҳида тоифадаги тадбиркорлик субъектлари рўйхатидаги) тадбиркорлик субъектларига ижара тўлови ушбу обьектга нисбатан аукцион савдолари натижалари бўйича шаклланган ижара тўловининг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

**л)** ижара шартномаси тузилган кундан бошлаб ижарага олуви томонидан йиллик **ижара тўловлари бир ой давомида тўланган тақдирда**, унга йиллик ижара суммасидан мазкур шартнома тузилган санадаги **Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида чегирма берилади**, бундан чегирма қўлламаслик шарти билан ижарага берилган ҳамда бир йилдан кам муддатга тузилган ва бошқа имтиёзлар қўлланган ижара шартномалари мустасно.

## **2. Аукционга чиқариладиган обьектларнинг бошланғич нархини белгилаш йўналишида:**

**а)** маданий мерос обьектларини ҳунармандларга ижарага беришда аукционга чиқариладиган бошланғич нарх амалдаги ставкага нисбатан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

**б)** ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб тоифаларга ажратилган Ўзбекистон Республикасининг 4- ва 5-тоифадаги шаҳар ва туманларидағи тадбиркорлик субъектларига давлат мулки обьектларини ижарага беришда аукционга чиқариладиган бошланғич нарх (амалдаги ставкага нисбатан) 50 фоиз ставкада белгиланади;

**в)** олти ой давомида электрон онлайн аукцион савдоларида ижарага берилмаган обьектларнинг бошланғич нархи **50 фоиз пасайтирилган қийматда белгиланади**. Бунда бошланғич нарх пасайтирилганда ҳам ижарага берилмаса, ушбу аукцион унда бир иштирокчи қатнашган тақдирда ҳам, истисно тариқасида, ўтказилган деб ҳисобланади.

**3. Саноат зоналарида бино ва иншоотларни электрон онлайн аукцион орқали ижарага беришда тўловларни йигирма тўрт ой муддатда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади.**

## **4. Текин фойдаланишга бериш йўналишида:**

**а)** Касбий кўникмалар марказларининг бино ва иншоотлари ёки уларнинг бир қисми жиҳозлари билан бирга уларда касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш курсларини ташкил қилиш учун хорижий иш берувчилар ва таълим ташкилотларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича текин фойдаланишга ёки узоқ муддатли ижарага берилади;

**б)** IT паркнинг тавсияномасига асосан бўш турган давлат кўчмас мулк обьектлари, Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидағи ташкилотлари ҳамда IT парк филиалларининг давлат мулки бўлган бўш бинолари ва майдонлари (хоналари) бир йилгача муддатга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади.

Бунда, бир йил муддат тугагандан сўнг IT-хизматлар экспорт қилувчи корхоналарни кенг жалб қилишга қаратилган дастурда иштирок этувчи корхоналар билан уларга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган бино ва майдонлар (хоналар) юзасидан “E-auksion” электрон савдо платформасида бир метр квадрат майдон учун тегишли ҳудуд бўйича охирги ҳисобот даврида шаклланган ўртacha ижара ҳақи миқдорида тўғридан-тўғри шартнома тузилади;

**в)** давлат мактабгача таълим ташкилотида овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этилганда ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебели текин фойдаланиш ҳуқуқи билан берилади;

**г)** Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ёшлар тадбиркорлик кластерлари ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш майдонлари корхона ташкил топгунига қадар, аммо 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга текин фойдаланиш ҳуқуқи билан берилади;

**д)** Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳар ҳамда туман кенгашларининг илтимосига кўра 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга текин фойдаланиш ҳуқуқи билан берилади;

**е)** Навоий вилоятининг Томди, Учқудук, Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳрида жойлашган фойдаланилмай бўш ётган давлат обьектлари улар негизида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларига янги иш ўринлари яратиш шарти билан текин фойдаланиш ҳуқуқи билан ўн йил муддатгача берилади;

**ж)** “Яшил энергия” компанияси ўз ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотлари бино ва иншоотларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатганда ушбу бино ва иншоотларнинг тегишли қисмларидан ижара ҳуқуқи асосида бепул фойдаланади. Бунда ижара шартномалари белгиланган тартибда солиқ органларида рўйхатдан ўтказилади;

**з)** хусусий шахмат клубларига улар томонидан шахмат түгаракларини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш учун давлат мулки объектлари ва ҳудудлардаги Ёшлар марказларидан ижара тўловларисиз (коммунал тўловлар бундан мустасно) жой ажратилади;

**и)** ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камида 70 фоизи “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар бўлган ва давлат мулкини ижарага олган тадбиркорлик субъектлари имтиёз бериш шартларига мос бўлганда ижара ҳақи тўловидан 5 йил муддатга озод этилади;

**к)** ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камида 70 фоизи “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар бўлган касаначиликни ташкил этган ва имтиёз берилган даврда уларнинг бандлигини сақлаб қолган тадбиркорлик субъектлари давлат мулкидаги бино ва иншоотлар учун ижара ҳақи тўловидан 2027 йил 1 октябрга қадар озод этилади.

*Изоҳ:*

1. Имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чораларидан бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечтаси қўлланади.

2. Имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чоралари бир-бирига зид келган тақдирда, давлат активлари ва ер участкаларини реализация қилиш жараёнида иштирок этувчи шахслар учун энг манфаатлиси қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармонига  
7-илова

**Давлат мулкини бошқариш соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва хусусийлаштириш  
жараёнларини жадаллаштириш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижро чилиар
